Оила ва жамият
Oila va jamiyat
1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган
41 сон 12 — 18 октябр 2006 йил

ГЎЗАЛЛИКЛАР МУСАВВИРИ

Яқинда Ўзбекистон Бадиий Академиясининг кўргазмалар залида рассом Лайло Салимжонованинг асарлари намойиши ўтказилди.

Тасвирий санъат ижодкордан бутун борлиғи билан берилиб ижод қилишни талаб этади. Санъатнинг бу соҳасида мўйқаламни қўлдан қўймай бир умр ижод қилиш, озми-кўпми ҳар қалай муваффақият қозониш, айниқса аёл киши учун қийиндан қийин иш. "Вақт олий ҳакам",-дейишади. Лайло Салимжонова вақт синовларидан ўтиб келди. Ойлик маош берувчи, бир ишхона хизматчиси, уй бекаси, фарзандлар онаси каби вазифаларни уддалади. Лайло опамиз ҳаётнинг қувончу ташвишлари гирдобида "Рассом" деган унвонни ҳам йўқотиб қўймади, ўзидан узоқлатиб юбормади. Бугун кўргазмада сўз олган дўстёрлари кўпроқ шу ҳақда гапиришди. "Агар Лайло Салимжонова ўзбек аёли, ўзбек онаси бўлмаганида эди, балки буюк рассом мақомига эришган бўларди",-деган фикр ҳам алоҳида таъкидланди.

Дарҳақиқат, Лайло опанинг фарзандлари - Лола ва Аҳмад, келини (улар ҳам рассом, ижодкор) ва невараларининг ҳар бирини онаю буви сифатида ҳамиша ижод билан тенг кўрганидан озми-кўпми мен ҳам хабардорман. Чунки мен опа билан маълум муддат "Саодат" журналида бирга ишлаганман. Кўп суҳбатдош, дарддош бўлганмиз. Мана, айни дамда ҳам ўша ўтган йиллар, кўрган-билганларимиз ҳақида суҳбатлашиб ўтирибмиз.

- Лайло опа, - дейман мен, - журналга ишга қандай келгансиз?

- Театр ва рассомчилик институтида ўқиб юрган кезларимда шоир Мамарасул Бобоев хонадонига келин бўлиб тушдим. У кишининг ўғли Бахтиёр билан бирга ўқиганмиз. Уларнинг ҳовлиси ўша давр санъати ва адабиётининг намояндалари истиқомат қиладиган кўчада жойлашган экан. Тўйимиз кечасида шоира Зулфия опа ҳам иштирок этган экан. Шундан сўнг Зулфия опа, қайнотам Мамарасул Бобоевга: " Рассом келинингиз журналга бир келсин", - дебдилар. Бордим. Рассомлик ишига таклиф қилдилар. Ҳали ўқиётганимни айтсам: "Бўш пайтингизда келиб ишлаб берсангиз ҳам бўлаверади", - дедилар. Шу-шу журналда ишлаб қолдим.



- Зулфия опадай улуғ инсон меҳр-мурувватидан баҳра олган бахтиёр одамсиз. Опа ҳақида гапириб беринг.

- Зулфия опа бағри кенг, айниқса, хотин-қизларни тушунадиган, аяйдиган, алқайдиган инсон эдилар. Аёллар бирон-бир соҳада ютуққа эришса, чин дилдан қувонардилар, бу ҳақда

дарҳол тиражи миллиондан ошиб кетган журналда ёритишни лозим кўрардилар. Кибру ҳаво, манманлик, кек сақлаш, қасос олиш каби иллатлар у кишига тамоман ёт эди. Иш-хизматчилик эмасми, бошлиқ сифатида қай бир қилғилиғимиздан хафа бўлиб уришсалар, икки-уч соатдан сўнг елкамизни эркалаб қоқиб, кўнглимиздаги ғуборни аритишга муваффақ бўлардилар. Институтни битираётган пайтимда "Марғилонлик ҳунарманд аёллар" деган жуда катта ҳажмдаги картинани диплом иши сифатида чизишим учун хона керак бўлган. Зулфия опа мен ижод қилишим учун ўз кабинетларини бўм-бўш қилиб бўшатиб бериб, ўзлари ўринбосар хонасига жойлашиб олганлар. Ён атрофингда яхши одамлар кўпчиликни ташкил қилса, бошингга тушадиган ғам-кулфатларни осон енгарсан, кўзлаган тилак-ниятларингга эришишинг қийин кечмаскан. Менинг ҳам бошимдан кўп гаплар ўтган... Оилавий ҳаёт аравасини ёлғиз ўзим тортишимга тўғри келган. Ана шундай дамларда кўнгли-ютилаги оқ одамлар мадади, кўмагидан куч-қувват олганман.

- Лайло опа, ҳаётда нималардан илҳом олиб ижод қиласиз?

- Умрим бўйи бир жойда-хотин-қизлар журналида ишлаганим сабабли - аёллардан илҳом оламан. Аёл табиат мўъжизаси. Ҳаёт бор экан, аёл санъатнинг энг бош мавзуси бўлиб қолаверади. Ахир ҳаётни ҳаёт этгувчи куч аёлда мужассам-да! Ундан сўнг мен гулларни яхши кўраман. Қаранг, кўргазмага келганлар менга қанча гуллар олиб келишибди. Буларнинг ҳеч бирини сўлитмай чизиб қолишга ҳаракат қиламан.

- Лайло опа, илоё умрингиз узоқ бўлсин! Ҳаёт гўзалликларини илғай олгувчи кўзларингиз, ҳиссиётга тўлиқ қалбингиз, жонбахш қўлларингиз сира-сира толмасин!

Д. САИДОВА

ХИРМОНГА БАРАКА!



Пахта мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришда муҳим ўрин тутиши, келадиган валюта маблағларининг каттагина қисмини ташкил этиши билан аҳамиятлидир. Шу боис мустақиллик йилларида соҳага алоҳида эътибор қаратила бошланди. Ер ҳақиқий эгалари бўлмиш фермерларга берилди. Шунингдек, машина-трактор парклари-нинг ташкил этилиши техника таъминотини яхшилади. Кимёвий ўғитлар, нефт маҳсулотлари билан таъминловчи бирлашмалар ҳам фермерлар билан тўғридан тўғри шартнома асосида ишлай бошладилар. Пахта тозалаш корхоналари томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг сифат даражаси ўзгариши, уруғчилик селекцияси соҳасидаги ижобий натижалар ҳам ўз самарасини бера бошлади. Соҳада банд бўлган ишчи-хизматчилар моддий манфаатдорлиги мунтазам ошиб бормоқда. Табиийки, буларнинг барчаси мамлакатимиз пахта хирмонининг йилдан йилга юксакроқ бўй чўзишига олиб келаётир. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар, ҳар бир вилоятда шу ҳудуднинг иқлим ва тупроқ шароитига мос, эртапишар пахта навларининг экилаётганлиги, фермерларга замонавий техника воситалари лизинг асосида етказиб берилаётгани ҳам муваффақиятлар омили бўлмоқда. Бугун республикамизнинг исталган вилоятида 200-300 гектарлаб ери, ўнлаб техника воситалари бўлган, 20-30 кишини доимий иш билан таъминлаб, рўзғорига барака киритиб турган фермерларни учратиш мумкин.

Бухоро вилоятининг Пешку туманидан Олий Мажлис Сенати аъзоси Ёқуб Фаттоев, қорақалпоғистонлик Рашид Шамуратов, Эркин Султонов, Жиззах вилоятидан Ўзбекистон Қаҳрамони Парда Зиётов, "Эл-юрт ҳурмати" ордени нишондори Юлдузхон Холматова, "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор" Омондулла Равшанов, пойтахт вилоятидан Абдумалик Каримов, Муқим Эрхўжаев сингари йиллик шартномавий режани 120-150 фоизга етказиб уддалайдиган, республика фермерчилик ҳаракатининг карвонбошилари бўлган уста пахтакорлар сафи йил сайин кенгайиб бормоқда.

- Вилоятимиз бу йил республикада биринчи бўлиб пахта тайёрлаш режасини уддаладди,-дейди Фаттоев номли фермер хўжалиги раҳбари, пешкулик Ёқуб Фаттоев.- Бизнинг фермер хўжалигимизда ҳам ҳар гектар ердан 75 центнердан ҳосил олиниб, вилоятимиз "оқ олтин" хирмонига ўзимизнинг муносиб улушимизни қўшдик.

Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари пахтакорлари зафар маррасига етиб келишди. Бошқа вилоятлар ҳам навбати билан режани уддалаш арафасида туришибди. Ҳудудларнинг пахтачиликдан олаётган даромади ҳам ортиб бораётир. Ана шу даромад қишлоқ хўжалигининг ва инфратузилмасининг янада ривожланиши, деҳқонлар турмуш шароитининг яхшиланиши, чекка ҳудудларда ҳам маданий-маърифий, тиббий ва маиший иншоотлар барпо этилиши учун хизмат қилиши тайин. Аслида қишлоқдаги ислоҳотларнинг пировард мақсади ҳам шу.

Д. ИБРОҲИМОВ

САҲОВАТПЕША ФЕРМЕР

Наманган вилояти, Поп туманида Шоҳистахонларнинг оиласини "Фермерлар оиласи" дейишади. Шоҳистахон Турсунова Андижон Пахтачилик институтини тугатгач, бироз муддат мактабда ўқитувчилик қилди. Аммо борлигини ёндириб турган шижоат уни далага етаклади. Мустақиллик шарофати туфайли деҳқончиликка талабгорлар ер олиш ҳуқуқига эга бўлишди. Шоҳистахон ҳам 16 гектар ер олиб, "Жавлонбек" фермер хўжалигини ташкил қилди. Олийгоҳда ўрганганларини амалда қўллади. Турмуш ўртоғи Шерали ака Дўлтаевнинг ирригатор (сув хўжалиги бўйича мутахассис)лиги Шоҳистахонга қўл келди, унинг маслаҳатларига таянди. Йилма-йил ҳосилдорлик мўл бўлди, ерлари ҳам кенгая борди. Юртбошимизнинг "Фермерликни ривожлантириш" ҳақидаги қарори деҳқонга мадад берди. Шоҳистахон 2006 йил "Тендер"да ютиб чиқиб, 60 гектар ерга эга бўлди. Энди унинг кучига-куч қўшилди. Ерга ўз фарзандидай ғамхўрлик қилди, экинларни парваришлади. Бекорга "ҳаракатда барака" дейишмас экан. 2006 йил 30 гектар ернинг ҳар гектаридан 47 ц. дан ғалла олган бўлса, қолган 30 гектар ернинг ҳар гектарида 28 ц.дан 1-навли пахта етиштириб, беш иш кунида туманда биринчилардан бўлиб режани бажарди. Аммо ҳали далада ҳосил кўп. Бу дегани - 16 оиланинг рўзғорига ҳали яна қанча қут-барака, фаровонлик киради, дегани...

Онасининг шижоатига ўғил ҳам ҳавасманд чикди. Жавлонбек гарчанд Наманганда юридик коллежида ўқиса-да, бу йил "Тендер" ғолиби бўлиб, 15 гектар ер олиб, фермерлик қилди. Билмаганини ота-онасидан сўраб ўрганди. Аслини олганда, у ҳам далада катта бўлган бола-да. Пахта етиштириш йигитга қондан ўтган. У ҳам онасидан кейин пахта режасини бажарди. Уларнинг юзини ёруғ қилди.

Шоҳистахон саҳоватпешаликда ҳам фарзандларига ибратманд. Жамоадагиларнинг тўй-маъракалари, иссиқ-совуқли кунларида Шоҳистахон ёрдамга тайёр. Гоҳо даволанишга муҳтожларни ўз ҳисобидан санаторий-курортларга жўнатиб туради. Мактабларнинг ва туман шифохонасининг таъмирига ҳар йил каттагина миқдорда пул ажратади. Ахир инсон саломатлиги-ю, фарзандларимизнинг кўнгли тўлиб илм олишига нима етсин.

Ерга меҳр қўйган бу фермерлар сулоласига омад ва қувонч ёр бўлишини тилаймиз.

С. ФАХРИДДИНОВА

2006 йил—Ҳомийлар ва шифокорлар йили

СУРАТГА ҚАРАБ...

Соғинч

Мен қарийб 40 йил ўқитувчи, мактаб директори, (8-мактаб), либов мен (биринчи қатор, тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари бўлиб ишладим. Меҳнатларим муносиб тақдирланди: "Катта ўқитувчи", "Методист ўқитувчи", "Олий тоифали ўқитувчи" унвонларига эга бўлдим ва ниҳоят "Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи" унвонига сазовор бўлдим. Мактабимизда икки нафар хизмат кўрсатган ўқитувчи, бир нафар халқ ўқитувчиси, 20га яқин орден, медалли, халқ маорифи аълочилари борки, мен бундай жамоада ишлаганимдан фахрланаман. Айни пайтда нафақа гаштини сурмоқдаман, мактабда бирор тадбир йўққи, биз - пенсионерлар қатнашмасак. Ҳали ҳам мактаб иккинчи уйимиз. Мактаб ҳаётидан жуда кўп суратлар 5 та альбомда жойлаштирилган. Вақти-вақти билан уларни варақлаб, суратларини томоша қилиб, умрим бехуда ўтмагани, ўтмаётганидан қувонаман. Яқинда яна албомни варақлаётиб бир сурат диққатимни тортди. Унда 1975-1976 йилларда мактабда тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари бўлиб ишлаган пайтимдаги бир учрашув акс этган.

Машҳур санъаткорлар Лутфулла Саъдуллаев, Гулчеҳра Саъдуллаева, О. Тошнинг бир гуруҳ ўқитувчи суратга тушганмиз. 30 йил олдинги учрашув таассуротлари эсимга тушди. Туманимизга пойтахтдан кўп санъаткорлар келган, улар бизнинг мактабга ҳам ташриф буюрган эдилар. Улар мактабни, синф хоналарини кўришди, ўқитувчилар, ўқувчилар билан учрашув ташкил этилди. Санъаткорлар ўзларининг ҳаёт йўллари, ўқувчилик йиллари, санъатга қандай кириб келганликлари, ижодий ишлари ва келажак режалари ҳақида содда, мароқли сўзлаб бердилар, ўйнаган ролларидан айрим эпизодларни ижро этдилар. Бу учрашув, суҳбатлар ўқитувчи, ўқувчиларда катта таассурот қолдирди. Улар дастхатлар қолдиришди, эсдалик учун суратга тушишди. Эҳтимол, бу сурат ўшанда ташриф буюрган санъаткорларда йўқдир, газета саҳифасида уни кўриб қолишса 30 йил олдинги учрашувлар, қолаверса, ёшликлари эсга тушса ажаб эмас.

Марат АХМЕДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи.
Бухоро вилояти, Ғиждувон тумани.

МЕҲРИМИЗ АРДОҒИДА

Бир куни ёши улуғроқ опахон мени йўқлаётганини айтишди. Чиқдим. У қўлида чиройли йўргакланган чақалоқни тутганча мени кутарди. Ёнидаги гул-гул очилиб турган келинчакни танидим. Туғруқ жуда қийин кечган аёлни ҳаётини сақлаб қолиш учун бор кучимизни ишга солган эдик. Оллоҳга шукр, боласи ҳам, ўзи ҳам омон қолди... Онахон менинг юзларимдан ўпаркан: "Менинг саҳоватим асқотса, дори-дармон ёки бир қулоч чит йўргак олинса хурсанд бўлардим" - деди-да, анчагина маблағ ёзилган ҳужжатни қўлимга тутқазди...

Яқинда шифохонага ёшгина жувонни олиб келишди. Биринчи ҳомиласи экан. Келинчакнинг ота-онаси қизининг юрак касали борлигини яшириб, турмушга берган экан. Энг ёмони бундай аёлларга ҳомиладорлигининг дастлабки давриданоқ алоҳида назорат зарур бўлади. Келинчакнинг ота-онаси қизи туғаётган пайтда ҳам бундан қудаларни хабардор қилмасликни ўтинишарди. Албатта бу мумкин эмасди. Бўлажак отага ҳамма гапни айтиб, операция жараёнини телевизор орқали кўрсатиб турдик. Бола эсон-омон туғилди. Ёш онани ҳам асраб қолдик. Аммо бунинг акси ҳам бўлиши мумкин эди. Бундай воқеалар содир бўлмаслиги учун маҳаллаларга бориб, хотин-қизлар билан тез-тез суҳбатлар ўтказамиз. Шифохонамизда 86 фоиз малакали шифокорлар ишлайди. Профессор Тўхтахон Муҳиддинованинг қимматли маслаҳатларидан доимо баҳраманд бўламиз. Ҳомиладорларни эса ЮНЕСЭФнинг "Бехатар болалик" Дастури билан мунтазам таништириб борамиз. Илгари туғишни тезлаштириш учун укол қилинар, чақалоқлар туғилган заҳоти алоҳида ётқизилар, оғзига сунъий сўрғичлар солинарди. Ҳозир аёл табиий равишда ҳеч қандай тиббий аралашувларсиз туғдирилади. Чақалоқ ёруғ дунёга келгач, шу ҳолича она қорнига қўйилади. Бу эса боладаги ҳароратни мувозанатлаб, уни ташқи дунё билан боғлайди. Бола табиий равишда она кўкрагини қидиради. Бу руҳий ҳолат она ва боланинг саломатлигини мустаҳкамлайди. Чақалоқ хоҳлаган пайтда, хоҳлаганча эмиши мумкинлигини, орада сув бермасликни тушунтирдик. Оқибатда болалар ўлими, аёллар касалликлари камайди. 2000 йил ишдаги ютуқларимиз туфайли "Болага дўстона муносабатда бўлувчи шифохона" деган сертификат олишга муяссар бўлдик.

Саодат АҲМАДЖОНОВА,
Андижон шаҳри 3-туғруқ мажмуаси бош шифокори.

СИЗДАН ШИФО ТОПДИМ

Мени шу йили 28 июн куни оғир аҳволда Қарши шаҳар "Темирйўлчилар" шифохонасининг жарроҳлик бўлимига ётқиздилар. Шифокор Ибодулла Тоштемиров, ҳамширалар Адиба Баратова, Феруза Ўринова, Нодира Қурбонова, орастабонлар Рўзигул, Нодира опаларнинг саъйи-ҳаракатлари билан оёққа турдим. Вилоятимиз марказида шундай ажойиб шифохонанинг борлигидан хурсанд бўлдим.

Қалби қайноқ табобатчиларга элимизнинг саломатлиги йўлида қилаётган беминнат хизматлари учун тасаннолар айтиб, ишларига омадлар тилайман.

Холмамат ДИЁРОВ,
нафақахўр.

Маслаҳатчилар ҳаётидан



МАҲАЛЛАСИДА ЎРНИ БОР

Хосиятхон опа Мамажонова - асли доришунос. Узоқ йиллар шу соҳада фаолият кўрсатган. Мана икки йилдирки, Андижон шаҳар 8-сон маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси. 7260 нафар маҳалладошининг қувончу ташвишига бирдек шерик.

- Ҳудудимиздаги "Семурғ" ҳиссадорлик жамияти ётоқхонаси ташландиқ аҳволда. Илгари трикотаж фабрикаси ихтиёридаги боғча ҳам 10 йилдан буён ишламайди, - дейди куюнчаклик билан. - Бу бинолардан фойдаланиш керак. Уларни тадбиркор, ишбилармон кишилар келишув асосида сотиб олибми ёки ижара усулидами, бирорта хайрли ишга йўналтирилса, яхши бўларди. Масалан, яқин атрофимизда амбулатория, аёллар маслаҳатхонаси йўқ. Демак даволаш маскани зарур. Ёки ёшлар учун гўзаллик салони очиш ҳам фойдадан ҳоли эмас...

Хосиятхон опа қилиниши лозим бўлган юмушлар қаторида амалга ошираётган хайрли ишларидан ҳам оғиз очди. Аҳолига қулайлик яратиш, ишсиз хотин-қизларни иш билан таъминлаш мақсадида касаначиликни ривожлантиришга астойдил бел боғлабди. Яъни, маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли хоналардан бирида чеварлик цехи ташкил қилиб, кўрпа-ёстиқ жилдлари, аёллар кўйлагини тикишни йўлга қўйди. Раънохон Раҳимова, Шаҳзодахон Турғунова, Ўктамхон Кенжабоева, Фаридахон Жалилова сингари фаол аёллар эса ҳамиша Хосиятхон опага елкадош. Маҳалланинг дастурхончиси Шаҳзодахон Турғунова ҳам улар билан бамаслаҳат турли издиҳомларни камчиқим, меъёрида ўтказишга ҳаракат қилади. Дарвоқе, маҳалла - катта куч. Айниқса, кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи аҳолининг кўнглига йўл топиб, йўриғига солиб, ишлашнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун шижоат, қатъият ва ишчанлик зарур. Шу маънода, Хосиятхон опанинг маҳалласида ўз ўрни, нуфузи бор. Шунинг учун уни ҳамма ҳурмат қилади, ортидан эргашади.

Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА,
Андижон вилояти.

ЯПОНИЯ—БОЛАЛАР НИГОҲИДА

Пойтахтдаги Халқаро маданият карвон саройида "Япония санъати болалар нигоҳида" номли болалар кўрик танлови ўтказилди.

Танлов Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармаси, Япониянинг юртимиздаги элчихонаси ҳамда "Нагано халқаро дўстлик клуби" ҳамкорлигида ташкил этилди. Илк маротаба ўтказилаётган кўргазмада 150 га яқин ранг-тасвир асарлари намойиш этилмоқда. Юртимиз болалари япон маданиятини, удумларини, сўлим табиатини бўёқларда моҳирона акс эттиришган. Танловда бешта йўналиш бўйича ғолиблар аниқланди. Уларга Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармаси, "Нагама халқаро дўстлик клуби", Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамда Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Рустам ҲАЙДАРОВ
«Туркистон-пресс»

ЯХШИЛАРНИ КЎРСАМ...

Журналистман. Касбим тақозоси билан ҳамиша эл орасидаман. Яхшиларни кўрсам қувонаман, дарҳол қоғоз-қалам олиб, улар ҳақида ёзишга тутинаман. Қуйидаги лавҳалар ана шундай чиройли хулқ-рафторли, олийжаноб фазилатли инсонлар ҳақида.

Бу ёши улуғ инсон билан ҳамкишлоқмиз. У киши қишлоғимизда фақат ёшлик йилларида яшаган. Кейинги ҳаёти шаҳар билан боғлиқ. Аввал институт, сўнг аспирантурада ўқиб, олим бўлган. Техника фанлари номзоди, доцент илмий даражаларига эришган Абдуваҳоб ака 40 йилдан ортиқ вақт институтда дарс берди.

Ҳозир нафақада. Қарилик гаштини суряпти. Шаҳарда яшаётган бўлишига қарамай, бир оёғи қишлоқда. Бу ерда ҳовли-жойи, боғи бор. Биров яшамаётгани боис, ҳовли-жойи бироз эскириб кетган. Боғидаги ҳосилга кириб қолган мевалардан маҳалла одамлари баҳраманд бўлишади. Абдуваҳоб ака ёзни асосан қишлоқда ўтказишга одатланган.

Қишлоғимиздан етишиб чиққан биринчи олим шу кишилигини, у жуда камтарин, олийжаноб инсон эканлиги, қишлоққа тез-тез келиб, дўстлари, яқинлари билан дийдорлашиб туришини катта бўлиб билганмиз, унга ҳавас қилганмиз. Нега деганда, айрим амалдор кишилар бор-да, шаҳарда яшаб қолганлари боис қишлоғини, яқинларини унутишади. Улардан узоқлашишади. Абдуваҳоб ака ундай эмас. У мудом қишлоққа талпинаверади.

Бир гал яқин дўстлари сўрашибди.

- Нега қишлоқни яхши кўрасиз? Келсангиз-баъзан ҳафталаб қолиб кетасиз. Нураб тушаётган уйингизда ёлғиз ўтирасиз. Ваҳоланки, шаҳарда кошона уйларингиз бор. Топармон-тутармон ўғилларингиз, аёлингиз, келинларингиз хизматингизда.

- Қишлоқда менинг онам яшаган,- дебди Абдуваҳоб ака уларга жавобан. - Мен ёлғиз фарзанд эдим. Туққани ҳам, тургани ҳам мен эдим. Ўқийман, олим бўламан деб кўп йиллар онамнинг бағридан узоқлашиб кетганман. Минскда аспирантурада ўқиётганимда ҳатто йиллаб уни кўролмасдим. Онам шўрлик мени деб кўп йўл термулган. Уни интизор қилганларимни эсласам, ўзимни кечиролмай қоламан...

Қишлоқдан оёқ узмаслигимни онам васият қилган. Чунки мен тақдир зайли туфайли ўғай ота қўлида ўсганман. Ўғай ота ҳовлисидан менга жой тегмаслигини онам яхши билар эди. Шунинг учун ҳаётлигида:

- Болам, ўзингга битта ватан қил, уй-жой орттир. Гарчи унда яшамасанг ҳам, ватанли бўлганингдан кўнглим тўлсин, - деб қаттиқ тайинлаган.

Онамнинг васияти мени қишлоқ билан боғлаб туради...

* * *

Менга бу аёлнинг ажойиб фазилатлари ёқади. Ҳеч бировга ёмон гапирмайди. Бировга ёмонлик тиламайди ҳам. Агар унга бирор масалада сўз очсалар, албатта, мулоҳаза билан, беозор фикр билдиради. Масала ўринсиз қўйиладими, ўринлими, дабдурустдан, шартакилик қилиб жавоб айтмайди. Шу фазилатининг ўзиёқ уни кўплар меҳрига сазовор этган.



Ўша аёлнинг хонадонига бир неча бор борганман. Ташрифларим чоғи ота-онаси, яқинларига муносабатини кузатишимга тўғри келган. Жуда маданиятли муомала қиларди уларга. Ўзи тўнғич қиз экан. Сингиллари, укаларининг исмини ҳеч тоқ айтмасди, "хон", "бек" қўшиб, сизлаб гапирарди.

- Қизингизни бунча яхши туққансиз-а?- сўрадим бир гал онасидан. - Жуда беозор аёл-да. Мен уни ташқи муҳитдангина билардим. Аммо ўз уйида ҳам мулойим экан...

- Ўз даврида катта амалдор ўтган оилага узатганмиз. Бошида ҳадиксирагандим, "Каттаконлар-га муносиб келин бўла олармикан?" деб. Лекин қайнона-қайнотасининг раҳматини олиб берган,- деди онаси қизидан фахрланиб.

Шу суҳбатдан анча кейин ўша "каттаконлар оиласи"дан ҳам секин суриштириб билдим. Айтишларича, авваллар келинини синаш учун ҳар жой, ҳар жойларга пул, қимматбаҳо буюмларини очиқ қолдиришиб қўйишаркан. Ҳатто, дам олишга кетаётиб ҳам шундай қилиб кўришган. Бироқ тўғри кўнгил келинлари бу нарсаларга назар ҳам солмас экан.

- Дам олишдан қайтиб келиб ажабланардик,- деди, қайнонаси келинини алқаб. - Қўйган нарсаларимиз жой-жойида турибди. Ҳаттоки, егулик учун ҳам пул олиб ишлатилмаган. Сўрасак, "стипендиямга яшаб турдик..." дея жавоб айтган. Келинимга ўшанда тан бергандик.

* * *

Бир замондошим бор. Ҳаёти ҳамма қатори оддий, аммо ибратли жиҳатлари кўп. Шулардан бир қиррасини қаламга олишни жоиз, деб ўйладим. Сабаби, бу нарса тарбия бобида муҳим роль ўйнайди, назаримда.

Ўша замондошим бундан чорак аср илгари пойтахт олийгоҳларининг бирида таҳсил олган. Дадаси обрўли раҳбар, онаси ҳам халқ хизматидаги аёл эдилар. Фақат ойликка яшашгани учун ҳаётлари оддий, камтарона бўлган. Бу ҳолат болалар тарбиясида, албатта, ижобий характер касб этган. Фарзандлар тарбияли, ён-атрофидаги дўст, ўртоқларига жуда меҳрибон бўлиб ўсишган.

- Қизим талабалик даврида "тўнғич боламиз" деб алқаб, дадаси импорт пальто олиб берди,- дея сўзлаб берганди менга ўша аёлнинг онаси. - Ҳар қалай олийгоҳда ўқияпсан, яхшироқ кийиниб юр,- деди. Лекин қизим пальтони кийишга рози бўлмади.

- Йўқ, дадажон, - деди у, - менинг яқин ўртоғим кўп болали оиланинг қизи. Унинг шароити бунақанги қиммат буюм олиб кийишни кўтармайди. Мен эса унинг олдида бу пальтони киёлмайман. Ўртоғим ўксийди...

Кейин бир пальтони сотиб юборганмиз...

Ҳавасланарли жиҳати шундаки, ўртоғидан ўзини устун билмаган ўша замондошим ҳозир оиласида бахтли-тахтли аёл, жамиятда эса ҳурмат-эътиборли олима даражасига етган...

Маҳфуза НОРБОЕВА,
Андижон шаҳри.

ОТА-ОНАНИНГ ИБРАТ МАКТАБИ

Тарбия соати

Инсон борки, умид билан яшайди. Орзу-ҳавасимга эришсам, фарзандларимнинг роҳатини кўрсам, деб ўйлайди.Мен эришмаган ютуқларга фарзандларим эришсин, мен чиқолмаган чўққиларни фарзандларим забт этсин, менинг армонларим уларнинг орзуларида ушалсин, деган эзгу тилак билан яшайди. Шунинг учун ҳам бешикдаги боласини ҳам сизлаб гапиради. Шу боис ҳам ота-боболари, буюк шажараси билан фахрланиш туйғусини фарзандига гўдаклигиданоқ сингдиради. Фарзандига эртанги кун масъулияти, ишончи билан яшашни ўргатади. Тарбиянинг асосий мезонлари эса оилада шаклланади. Оиладаги соғлом муҳит аввало фарзанд тарбиясига ўз таъсирини ўтказади. Ота-онанинг бирламчи мажбурияти фарзандни баркамол, соғлом, маънавиятли қилиб тарбиялаш, илмли, ҳунарли қилиш, элига, юртига керакли инсон бўлишига эришишдан иборатдир.

Сизга таниш манзарани кўз олдингизга бир келтиринг. Турмуш қурган ёш оилада биринчи фарзанд дунёга келди. Чақалоқ аксар ҳолларда катталар, аниқроғи, бобо ва бувилар тарбиясини олади. Катталар унга эртак ва ривоятлар айтиб, оила, маҳалла, ватан каби тушунчаларни мурғак вужудига сингдириб, меҳр билан вояга етказишга ўзларининг беминнат ҳиссаларини қўшадилар.

"Менинг келажагим", "Авлодимнинг давомчиси", дея ширин орзулар билан эркалатиб катта қилади. Шунда ўша фарзанд ёки набира ўзига кўрсатилаётган меҳр-муҳаббатнинг барчасини уларга қайтариш лозимлигини мурғак вужуди билан ҳис қила бошлайди.

Демак, оилада камол топаётган бола оиладагиларнинг ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, бурч, масъулият каби фазилатларидан андоза олишга ҳаракат қилади. Агарда болага одобахлоқ, ростгўйлик, тўғрилик ҳақида насиҳатлар қилсак, аммо ўзимиз айтганларимизга амал қилмасак, фарзандимиз масъулиятсизлик ва лоқайдликнинг қурбонига айланади. Инсон табиатан ўзига эътиборни талаб қилади. Уйдаги бепарволик туфайли бола ўзи билиб-билмай кўча таъсирига кириб қолади... Ана шундан кейингина биз ота-оналар бошимизни қай тошга уришни билмай, афсус-надоматлар чекамиз, сабабларини қидира бошлаймиз.

Модомики, фарзанд тарбияси учун ота-она масъул экан, аввало уларни ўзи тарбияли бўлмоғи лозим. Ҳар бир ота-она фарзандига вақт ажрата олиши, унинг ўй-фикрлари, орзу-ниятлари, дўстлари, муаммолари қўйингки, барча-барчасидан хабардор бўлмоғи лозимдир.

Минг йиллар мобайнида ўзига хос, ҳеч қаерда ёзиб, муҳрлаб қўйилмаган оила педагогикасини яратган донишманд халқимиз "куш уясида кўрганини қилади", деб бежизга айтмаган. Фарзандининг ақлли-хушли бўлиши ота-онанинг яхши маънодаги изи, фахри-ифтихордир.

Шу ўринда бир ривоятни келтирмоқни жоиз билдим.

Фаридиддин Атторнинг "Мантиқут-тайр" китобида шундай ривоят бор. Бир замонлар бир подшоҳнинг яккаю-ёлғиз ўғли бўлиб, у ниҳоятда эркатой экан. Шаҳзода шу қадар нодон эканки, унга наинки, салтанат, ҳаттоки оддий юмушни топшириш ҳам амри маҳол экан. Шоҳ ўғлини қайси ҳунарга ўргатсам экан, деб узоқ бош қотирибди. Ўйлай-ўйлай охири фолбинликни маъқул кўрибди. Устоз фолбинлар бу мушкул вазифани ўргатмоқ учун шаҳзодани шогирдликка олибдилар. Орадан йиллар ўтиб улар шаҳзодани саройга бошлаб келишибди, шоҳ олдида тиз чўкиб:

- Олампаноҳ, фарзандингиз фолбинликнинг барча сир-асрорларидан воқиф бўлди, бизларга неки аён бўлса унга ҳам шу нарса маълум. Бошқа ўргатгулик нарсамиз қолмади",- дейишибди. Шунда шоҳ узугини кафтига яшириб: «Айт-чи, қўлимдаги не?»-деб ўғлини синов қилибди. Шаҳзода қумга чизиб ром очибди. Ниҳоят: - «Қўлингиздаги нарса ўзи юмалоқ, ўртаси тешик»,-деб жавоб берибди. Шоҳ мамнун бўлиб, "Баракалла, сен аломатларини айтдинг, энди отини ҳам айт",-деб талаб қилибди. Шаҳзода ўйга ботибди, охири: "Бу тегирмон тоши", деб жавоб берибди. Шунда шоҳ фарёд чекибди: «Билим кучи билан барча аломатларини айтдинг, лекин киши кафтига тегирмон тоши сиғмаслигига наҳотки фаросатинг етмади!»...

Ҳа, барча яхшилик ҳам ёмонлик ҳам фарзанднинг юрагига экилган эзгулик ёки ёвузлик уруғидан кўкаради. Илло, оиладаги соғлом муҳит, тўғри тарбия нафақат оила балки, жамият учун ҳам ютуқдир.

Нафиса АКБАРОВА,
Тошкент шаҳри.

ҚАЙНОНАМ - ИККИНЧИ ОНАМ

1986 йил 27 июнда дунёга келдим. Дадажоним менга "Наргиза" дея исм қўйдилар. Аяжоним не-не орзулар билан мени оқ ювиб, оқ тараб вояга етказдилар. Бахтли оилада улғайиб, вояга етдим. 1992 йил мактаб қучоғига илк бор қадам қўйдим. Мактабни аъло баҳоларга битириб, талаба бўлиш бахтига муяссар бўлдим. 2-курсга ўтаётганимда ота-онам розилиги билан ўзим истаган йигитга турмушга чиқдим. Бахт тўйимиз 2006-йилнинг 18 август куни бўлиб ўтди. Турмушга чиқишимдан олдин кўп ўйлардим: "Қайнонам қандай аёл экан? Мен қайнонамнинг кўнглидан чиқармикинман?" Ота уйини кўзларимда ёш билан тарк этдим. Ўзга бир хонадонга келин бўлиб тушдим. Аяжоним бағридан кетиш, акам ва синглим меҳридан йироқлашиш, дадам уйини тарк этиш мен учун қанчалар қийин эди. Мен қадам қўйган оилада меҳрибон қайнонам мени "келин" эмас, яъни меҳрибон қайнонам "қизим" деб қарши олдилар. Мен учун янги ҳаёт, янги рўзғор бошланди. Қайнонам дунёда тенги йўқ иродали оналардан эканлигини ҳис қилдим. Сабаби, мен бажарган юмушлардан ҳато топиш пайида бўлмасдан билмаганларимни ўргатмоқдалар. Тўйимиздан сўнг, қисқа фурсат ўтган бўлса-да, ўзга хонадонга иккинчи онам яъни қайнонам сабабли тез кўникдим. Турмушим ҳам яхши. Она буюк зот. Аллоҳимдан қайнонамга узоқ умр, фарзандлари, набиралари камолини кўриб юришларини сўрайман. Шундай меҳрибон, замонавий қайнонам борлигидан хурсандман. Ҳаётимизда яхши қайноналар кўпайишини истардим.

Наргиза САЪДУЛЛАЕВА,
Паст Дарғом тумани,
Беклар маҳалласи

УЧРАМАСА ЯХШИ БЎЛАРДИ

ТАШРИФЛАРИНГИЗ...

Сочларига оқ оралаб қолган, қирқ беш ёшлар атрофидаги эркак хонамизга кириб, ўзини Нодир деб таништирар экан, шунчаки кўнглини ёзиш учун келганини билдирди.

- Тўғрисини айтсам, шу кунларда ҳаётимда бўлаётган жараёнлар туфайли қўлим ҳам ишга бормай қолди.

- Бу ерга келиб яхши қилибсиз. Газета беминнат дўстингиз, ҳаммаслагингиз бўла олади. Ҳатто сизни бу ҳолатдан чиқара олиши ҳам мумкин. Турмушингизда бирор муаммо бўлдими? Оиласида тинчи бўлмаса инсон кўчада ҳам, ишда ҳам ҳаловат тополмайди аслида.

- Бу нотинчлик оиламда содир бўлди ҳам деёлмайман. Аммо оиламга таъсир қилиши мумкин. Шахсий кечинмалар қийнаяпти мени. Уни учратмаганимда яхши бўлармиди?

- Батафсил гапириб беринг-чи.

- Институтда ўқиб юрганимда Назокат исмли қиз билан учрашиб юрардик. У табиатнинг бекам яратган гўзали эди. Ўқишни битирганимдан кейин совчи қўйдим. Аммо Назокатнинг ота-онаси ҳа деганда розилик беравермади. Қиз эса менда кўнгли борлигини уларга айта олмади. Тўртинчи марта оғиз солиб борган онам рад жавобини олиб келди. Сабаби бизнинг оиламиз ўрта ҳол яшагани учун уларнинг тенги эмас экан. Бу гапни эшитдиму, умуман Назокат билан гаплашмай қўйдим. Ёшлик қилганман-да, ғурурим бу гапни кўтаролмаган. Ўшандан кейин шартта онам айтган қизга уйланиб кетдим. Энди кўнглим билан эмас, ақлим билан яшашга қарор қилгандим. Ўзимни тинимсиз изланишга, муваффақиятларга эришишга бағишладим. Чунки Назокатга эришишга тўсқинлик қилган нарсага эга бўлишга аҳд қилгандим.



- Эришолдингизми?

- Эришдим, мансаб, обрў, пул .... Ҳаммасига эга бўлдим.

- Оилангизда қандай аҳвол, фарзандлар ҳам бордир?

- Шукрки, онам танлаган келин билан оилам мазмунли, намунали бўлди, учта фарзандни тарбия қилдик.

- Ҳаммаси яхши экан-ку, яна нима қийнаши мумкин сизни?

- Мен суҳбатимиз бошида бекорга севган қизим бўлганлиги ҳақида гапирмадим. У менинг ҳаётимга яна кириб келди.

- Қандай қилиб?

- Ўтган йилнинг кузи эди. Ёмғирли кунда машинада секин кетаётсам, бир аёл қўл кўтарди. Ҳеч ҳам йўловчи миндирмайдиган одам, у аёл жовдираб тургани учунми тўхтадим. Аёл ҳам шошибгина чиқиб олди ва манзилини айтди. Айтган жойи менинг йўлим эмасди, лекин аёл ўтиргандан кейин тушириб юбориш ноқулай бўлиб у айтган томон юрдим. Йўл-йўлакай кира қилмаслигимни, шунчаки аёл кишини ёмғирда қолдиргим келмаганлигини айтиб анчагина гапирдим. Лекин у бир оғиз гап қўшмай, сезиб бошини эгиб олди. Мен машинани тўхтатдим. Биз узоқ вақт жим қолдик. Шунда унинг нега жим кетаётганини англадим. Назокат мени машинага чиққандан кейин овозимдан таниб қолиб, ўзини танитмаслик учун жим кетаётган экан. Биласизми, у турмушга чиқмабди. Ота-онаси мени рад этгандан кейин ҳаётини илмга бағишлашга аҳд қилибди. Бошида уйдагиларга аччиқ қилиб анчагина совчиларни қайтарибди. Кейин сўрагувчилар ҳам камайиб кетибди. У менинг уйланганимни эшитгандан кейин, ҳеч қачон беговта қилмасликка қарор қилибди. Йиллар ўз кучини кўрсатган бўлса-да, Назокат ҳали ҳам гўзал, беозор, ҳуркак жайрондек мафтункор эди.

Биз ўша куни узоқ суҳбатлашдик. Ажралишни ҳам, бирга қолишни ҳам билмасдик. Ноилож уни уйига ташлаб қўйдим, бир-биримизга телефон рақамларимизни бердик. Ўшандан бери мен неча бор қўнғироқ қилдим, учрашдик. Аммо унинг ўзи бир марта ҳам мени сўрамади. Биламан, оиламга аралашиб қолишдан чўчияпти. Аммо нигоҳидан ҳамон мени дейишини шундоқ сезиб тураман. Лекин оилам, ажойиб аёлим, фарзандларимга нима дейман. Мана шу ўй менинг ич-этимни кемираяпти. Бу қийноқдан кўра уни учратмаганим яхши эди. Балки газетхонлар бирор йўл кўрсатар. Ҳар тугул бир йилдан бери қалбимни ўртаб келаётган дардимни тўкканим учунми, бироз енгиллашдим...

Матлуба ШУКУРОВА.

КАСАЛ ОПАМНИ НИМА ҚИЛАЙ?

Кўнғироқларингиз...

- Дарди-дунём қоронғи бўлиб турган вақтда бир дардкашга зорман, - дея сўз бошлади Самарқанддан қўнғироқ қилган Мардон исмли йигит.

- Опам билан "Меҳрибонлик уйи" да ўсдик. Ота-онамизнинг кимлигини, нега биз бу ерга келиб қолганимиз сабабини билмадик. Чунки буни айтиб берувчи яқинларимиз йўқ эди. Опамнинг меҳрибонлиги боис бир-биримизни йўқотиб қўймадик.

- Опангиз билан ҳозир ҳам бирга яшайсизларми?

- Опам мактабни тугатганидан сўнг заводга кириб ишлай бошлаганда ётоқхонадан битта хона ажратиб беришди. Кейин опам мени "Меҳрибонлик уйи"дан олиб келиб бирга яшай бошладик. Менинг билим олишим учун ҳеч нарсани аямади. Билардим, ҳар доим битта кийимда юрар, ўзи емаса ҳам менга едирарди. Мактабни битириб, институтда инглиз тили йўналишида ўқидим.

- Опангиз-чи?

- У ўқимади. Фақат менинг ўқишимга имкон яратиб, оддий ишда ишлади. Мен институтга кирган пайтимда унга алоҳида, бир хонали уй беришди. Опам турмушга ҳам чиқишни ўйламай фақат мен учун яшарди. Институтни битириб шаҳримиздаги меҳмонхоналардан бирида таржимонлик қила бошладим. Касбим боис хорижларга ҳам бориб келардим. Опам бирам қувонардики... Ҳатто, ўзига олиб келган совғаларимни ҳам бўлажак хотинимга олиб қўярди. Кейин иккаламизнинг унча-мунча тўплаган пулимизга яна икки хонали уй олдик. Энди тўй қилиш учун ҳам жамғармамиз бор эди. Опам ўзимга бирор қиз топишимни ўтинарди.

- Кўнгил қўйган қизингиз бормиди?

- Бор эди, лекин... оиласи анчагина бадавлат, биздек етимларни менсийдими-йўқми, деб ўйлардик.

- Қиз-чи, у сизнинг муҳаббатингизни билармиди?

- Сезарди. Назаримда у ҳам менга мойилдек туюларди. Хуллас, юрак ютиб унга севги изҳор қилдим. Розилигини олгач, уйга учиб келдим. Опам менга кўрпа-тўшаклар тикиб ўтирарди. Гапимни эшитиб йиғлаб юборди. Орадан кўп ўтмай опагинам унинг уйига совчиликка борди. Оқ ўраб ҳам қайтди. Кейин тўй қилдик. Тўй куниёқ хотиним томондагиларнинг бир четда мунғайибгина ўтирган опамни унча менсимаётганларини сездим. Аммо иложсиз эдим.

- Кейин-чи?

- Тўйдан сўнг можаро бошланди. Хотиним негадир опамни ёмон кўриб қолганди. Тўғриси, у бизга халал бермаслик учун ўзининг шинамгина бир хонали уйида яшаётганди. Онда-сонда бир келса ҳам уйда жанжал бўлар, хотиним нуқул бизнинг "Меҳрибонлик уйи"да ўсганлигимизни юзимизга соларди. У опамнинг уйимизга келишини, ҳатто, мен билан гаплашишини ҳам ёқтирмасди. Энди менга ҳам оғир бўлиб қолганди. Чунки... Опамни десам хотиним, хотинимни десам опам... Кейинчалик опам келмай қўйди. Мен ўзи яхши, тинч яшаётгандир, деб ўйлагандим. Аслида касал бўлиб қолган экан.

- Наҳотки бирор марта қўнғироқ ҳам қилмаган бўлсангиз?

- Шунга вақт ажрата олмагандим. Ана энди...

- Бирор гап бўлдими?

- Бор умрини, ёшлигини менга бағишлаган опам оғир касалликка чалинибди. Шифокорлар уни ёлғиз ташлаб қўйиб бўлмаслигини, ҳар дамда ҳаётдан кўз юмиши мумкинлигини айтишди. Бу ёқда эса... Бугун эрта туғруқхонага кетиши керак бўлган хотиним мени қўймаяпти. Иккинчи ҳам ёрдамимга муҳтож. Опамни уйимизга олиб келай десам хотинимнинг жаҳли чиқади.



- Опангиз билан гаплашиб кўрмадингизми? Балки у сиз билан яшашни истамас?

- Истамаса ҳам уни ташлаб кета олмайман-ку! Ахир у онам ўрнига она бўлиб мени ўстирди, уйлантирди.

- Энди қандай йўл тутмоқчисиз?

- Ҳозир опамнинг олдидаман. Хотиним эса... Унга вақтинча, опамнинг аҳволи яхшилангунча онасиникига бориб туришини илтимос қилгандим. Қайнонам келиб: "Сен таги-зотининг тайини йўққа қиз бериб адашибман. Энди ажратиб оламан. Бор ўша сил касал опангнинг ёнига",-дея ҳақоратлаб кетди.

Мени яхши кўрса биттагина жигаримнинг ҳам ҳурматини жойига қўйиши керак-ку! Шундай эмасми? Туғилажак боламга ҳам опам исм қўйса дегандим.

- Хотинингизга тушунтирсангиз бўлмайдими?

- Айтдим. Ҳар қанақасига ялиниб ҳам кўрдим. Бўлмади. "Опангизни қариялар уйига берайлик. Дўхтирлари ҳам бор. У ерда ўзлари яхши қарашади. Хуружи тутиб қолса сиз нима ҳам қиласиз?" - дея маслаҳат бераяпти.

- Наҳотки шундай қилсангиз?

- Бошқа иложим йўқ-да. Ахир кундузи ишда бўлсам... Эртага ўша... "Қариялар уйи"га ташлаб келмоқчи эдим. Сизга қўнғироқ қилишдан мақсадим... Одамлар, яъни ҳамкасбларим бу ишимни эшитиб мени айблашмасмикан?

Мардон жавобимни эшитмади. Ёки атайлаб гўшакни қўйиб қўйдими, ишқилиб, алоқа узилди.

Очиғини айтсам, Мардоннинг бу ишини оқлагим келмади. Тўғри, у ҳам ишлаши керак. Лекин ҳар ҳолда ўзи айтганидай, унга умрини бағишлаган опасини касал пайтида "Қариялар уйи"га топширадими?

Мен ундан ранжидим. "Лекин шароити шуни тақозо этса нима қилсин? У ҳам иложсиздир, балки?" - деб ҳам ўйладим. Азиз мухлис, сизнингча унинг иши тўғрими?

ГУЛБАШАКАР

Саҳифа Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди гранти доирасида «Оналик ва болалик муаммолари, хотин-қизларнинг давлат ва мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрнини ошириш, оиладаги ўзаро муносабатлар" лойиҳаси бўйича тайёрланди.

ҲА, ОНА–Я, ОНА...

Зубайданинг ҳасратларини ўқиб, кўзларимга ёш келди. Ҳа, она-я, она... Ўзи қай аҳволда ётибди-ю, "болалар... болаларимнинг аҳволи нима кечдийкин? Шўрликкиналарим шунча кундан буён нима еб, нима ичишяптийкин?"-дея йиғлайди-я.

Зубайдахон! Ўзингизга бир дунё касалликни орттириб олиб ҳам, сир бой бермай дардингизни ичингизга ютиб юриб чакки қилибсиз. Ахир касалликни даволашдан кўра, олдини олганингизда бўлар эди-ку? Тағин ишхонангиздагилар келганида: «Демак, "Тез ёрдам"ни чақирган болаларим экан-да. Барака топишсин! Бошлари омон бўлсин»,-дейсиз. Уларни соғиниб йиғлайсиз! Улар-чи? Сизнинг шу ҳолатга тушишингизга улар ҳам айбдордек назаримда. Сиз болаларим учун яшайман деб онт ичганингизда, уларнинг қўлларини совуқ сувга урдирмай, оғизларидан чиққанини муҳайё қилишга уринганингизда, охири бошингиз ёстиққа текканида улар ҳам сизга ана шундай жавоб қилишларига ишонганмисиз?

«Азонлаб туриб, уч боламга уч хил нонушта тайёрлайман, уларнинг кўчалик кийимларини дазмоллаб, уйларни саранжом-сариштолаб, ҳаммасини бир-бир уйғотиб, ўзим ишга югураман. Кечқурун яна ювуқсиз қолган идишларни ювaман, овқатга ўннайман. Бу орада тўзғиб кетган уйни бир сидра тозалаб, тоғарада уюлган кирларни ювaман», дебсиз. Болаларингиз-чи, улар нима иш қилишади? Қизингиз ҳам телефонда узоқ вақт пичирлашиб, илмоқли гаплашишига қараганда капкатта қиз бўлса керак. Қизлар онасига яқин сирдош, ғамхўр, меҳрибон бўлишади-ку? Сизнинг қўлингиздан ишингизни олиб, уйларни саранжомлаб, ишдан қайтишингизга овқат тайёрлаб ўтирса бўлади-ку? Буни сиз қизингизга аста-секин ўргатишингиз лозим. Ахир, бир кун келиб ўзга хонадонга келин бўлиб бориши бор. На салом-аликни, на уй юмушларини билмаса келажакда қоқилиб қолмайдими?

«Тўнғич ўғлим эса кун оғди дегунча кўчага чиқиб кетадиган одат чиқарди. Бир неча бор у ярим тунда оёқ учида ётоқхонаси томон ўтиб кетаётган пайт димоғимга тамаки ҳиди урилган бўлса-да, ўрнимдан туриб, қаердан, нима ишлар қилаётганини сўраб-суриштиришга қўркдим, ахир бўйи-бўйимдан баланд»,-дебсиз. Ўз болангиздан нега қўрқасиз? Эрта бир кун тамаки эмас, ароқ ҳиди келиши мумкинлигини ўйламадингизми? Оҳ, сингилжоним-а, ўғил болаларга қаттиққўл отаси бўлмагач, ўзингиз қаттиқроқ турмасангиз бўлмайди. Катта ўғлингизни оёқ учида ўтиб кетаётганида қўрқмасдан тўхтатиб, бундай кеч юриши яхшиликка олиб бормаслигини, энди у оиланинг таянчи эканлигини, сизнинг ундан умидингиз каттали-гини, бирор ҳунар, ишнинг бошидан тутиб, сизга кўмакдош бўлиши лозимлигини, отасидан кўрмаганларингизни улардан кўришни исташингизни ётиғи билан тушунтирсангиз бўларди.

Аввало, учта фарзандингизга уйдаги барча юмушларни баб-баробар бўлиб бериб, назорат қилсангиз яхши бўларди. Уларнинг бекорчи вақти бўлмаслиги учун турли тўгаракларга, ҳунармандларга шогирд қилиб беринг. Ҳали ҳам кеч эмас. Сизнинг вазифангиз фақат едириб-ичириб, бировдан кам қилмай кийинтиришдангина иборат эмас-ку ахир? Ҳасратларингизни ўқияпман-у, ёшлигимизда ўқиган оққуш эртаги ёдимга тушиб кетди. Онаизор учта фарзандига сизга ўхшаб бор меҳрини, соғлиғини берибди. Аммо фарзандлари сизнинг фарзандларингизга ўхшаб тошбағир, эгоист бўлиб ўсишибди. Онаизорнинг сизга ўхшаб тоби бўлмай, бўзлаб, болаларини чақирибди, бир пиёлагина сув келтиришларини ўтиниб сўрабди, улардан эса дарак бўлмабди. Чунки, улар ўйин билан овора эканлар. Шунда онаизор оққушга айланибди-ю, учибди-кетибди. Фарзандлари пиёлада сув олиб, оналарининг кетидан ёлвориб чопишибди. Аммо бефойда экан, фарзандлари аттанг қилиб қолаверишибди...

Тағинам кўни-қўшниларингиз, ишхонадаги ҳамкасбларингиз оқибатли одамлар экан.

> *"Ўзим учун яшагим келди", 37-сон*
>
> **ЭСЛАТМА: Эрим вафот этгач, уч боламни деб тинмай елиб-югурдим. Бир куни юрагим санчиб, ҳушимдан кетиб қолибман. Болаларим учун ўзимни фидо қилсам-да, улар бирров хабар олишмади. Қўшнилар олиб келишдию, аммо улар ҳол сўраш ўрнига хайрлашмай кетишди. Уларни деб соғлигимдан кечганим нотўғримиди?**
>
> **Муаллиф: Д. Қўзиева.**

Болаларингизни қўшниларингиз чақириб келишмаса, келишмас экан-да. Уларнинг келганидаги хурсандлигингизни, хайрлашмай араз қилиб чиқиб кетганидаги холатингизни кўргандек бўлдим.

Тағин, "Оҳ, менинг оркаш болажонларим-а! Сизларни шу кўйга солмай мен ўлай. Тезроқ тузалишим керак. Эртага биров бир нарса деса, шугиналаримнинг кўзига ёш келмаслиги учун ҳам тезроқ бориб, уларга қалқон бўлишим керак. Тезроқ"... дейсиз-а.

Мен ҳам сиз каби дардга чалингандим. Шифокорим ўшанда менга шундай деганди:

16.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
16.40 «Обреченная стать звездой». Телесериал.
17.40 «Волчица». Телесериал.
18.40 ВЕСТИ.
19.00 ВЕСТИ.
19.45 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
20.05 «Спокойной ночи, малыши!».
20.15 «Тайны следствия».
22.15 ПРЕМЬЕРА. «Сережа Парамонов. Советский Робертино Лоретти».
23.10 «Зеркало».
23.30 «ВЕСТИ+».
23.50 КИНОАКАДЕМИЯ. ПРЕМЬЕРА. Екатерина Редникова, Сергей Чонишвили, Галина Йовович, Алена Яковлева и Андрей Егоров в фильме «Человек безвозвратный». 2006г.
2.00 «Дорожный патруль».
2.15 СЕРИАЛ ДЛЯ ПОЛУНОЧНИКОВ. «Закон и порядок» (США).
3.00 Телесериал «Гора» (США). 2004г.
3.45 ВЕСТИ.

ЖУМА 20

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 ТВ анонс.
8.40 Олтин мерос.
8.50 "Ҳадоя". Теленовелла.
9.00 ТВ анонс.
9.05 "Олам ва одам" дастури: "Фенди Рекен".
"Болалар сайёраси":
9.30 1. "Цирк, цирк, цирк".
2. "Чинининг саргузаштлари". Мультсериал.
10.10 "Таълимга эътибор – келажакка эътибор".
10.30 "Бир асар тарихи".
10.50 "Сизнинг адвокатингиз".
10.55 "Дунё иқлими".
11.00 "Ахборот".
11.10 ТВ анонс.
11.15 "ТВ шифокор".
11.20 "Оила ришталари". Телесериал.
11.55 Олтин мерос.
12.00 "Табаррук замин".
12.20 "Минг бир маслаҳат".
12.40 ТВ анонс.
12.45 "Сарой жавоҳири". Телесериал.
13.50 "Зилол". Фольклор кўшиклар.
13.55 "Дунё иқлими".
14.00 "Ахборот".
14.15 ТВ анонс.
14.20 "Ассалом, Ўзбекистон!" Кундузги дастур.
15.20 "Оталар сўзи – ақлнинг кўзи" хазинасидан.
16.20 Ю. Ражабий номидаги мақом ансамблининг концерти.
"Болалар сайёраси":
16.40 "Эртаклар – яхшиликка етаклар".
17.00 "Ахборот".
17.15 ТВ анонс.
17.20 "Бизнес янгиликлари".
17.35 "Минг бир ривоят".
17.40 "Рамазон туҳфаси".
18.00 Олтин мерос.
18.10 "Тилга эътибор".
18.25 "Эврилиш". Хива.
18.50 "Умр дафтари". 1-қисм.
19.10 "Оҳанглар оғушида".
19.15 "Сизнинг адвокатингиз".
19.20 "Дунё иқлими".
19.30 "Ахборот" (рус)
20.05 "ТВ шифокор".
20.10 "Оила ришталари".
20.50 "Дунё иқлими".
21.00 "Ахборот".
21.40 "Одамлардан бири".
22.00 "Сарой жавоҳири".
23.20 "Олам ва одам" дастури: Уа Хука чавандозлари.

"ЁШЛАР" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.55 Дастур очилиши.
6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 "mtrk.uz".
8.05 **"Телевизор".**
8.45 "Обид-шоу" архивидан.
9.25 Хазина.
9.40 Ҳикмат маскани.
10.00 Давр.
10.15 **"Ёл?он асираси". Сериал.**
11.00 Эрта бугундан бошланади.
12.00 ЯНГИ КУН.
13.00 Давр.
13.15 Сув остига саёҳат.
14.00 **"Шимол тафти". Сериал.**
14.30 Орзулар майдони.
15.00 **"Муҳаббат қаҳваси". Сериал.**
15.50 Омон бўлинг!
16.00 Давр.
16.15 **"Севги фариштаси". Сериал.**
17.00 Даврнинг боласи.
17.10 Болажон.
17.20 Болалар шеърияти.
17.30 Нафосат олами.
17.40 Солиқ хизмати.
17.50 Давр-репортаж.
18.00 **"БОБУР". Телесериал.**
18.40 Дилрабо.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 ДАВР.
19.30 Наво-SMS.
19.40 **"ШИМОЛ ТАФТИ". Сериал.**
20.10 Спорт-лото.
20.15 "Моя мечта". Дунё таомлари.
20.45 Наво-SMS.
21.00 Омон бўлинг!
21.10 **Кино: "Телевизор".**
22.00 ДАВР.
22.30 **Жаҳон киноси: "Учар ханжарлар макони".**
00.20 – 00.25 Орзулар бекати.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 "Салом, Тошкент!"
8.35 "Гвадалупе".
9.15 "Телекурьер-маркет".
9.30 "Саньат гулшани".
10.15 "Интервью" /рус/.
10.25 "Ғилдиракли уй".
10.50 "Иқтисод - ревью"
11.00 "Топ. Гид. Вена". Маърифий дастур /рус/.
11.20 "Анонс".
11.25 "Эрудит" /рус/.
11.40 Кино "Затура" /рус/.
X X X.
18.00 "Афиша". /рус/.
18.10 "Телекурьер-маркет".
18.30 "Пойтахт"
18.50 "Гвадалупе".
19.50 **"2006 йил Ҳомийлар ва шифокорлар йили": "Саломат бўлинг".**
20.00 **"Пойтахт"**
20.20 "Эрудит" (рус)
20.35 " Ғилдиракли уй".
21.00 "Репортаж" /рус/.
21.10 "Жозиба".
21.30 "Пойтахт".
21.50 "Телекурьер-маркет".
22.10 "Маърифат фидойилари".
22.30 "Пойтахт"
22.50 Кино. "Посейдон"



7.00 "Бардам бўлинг".
8.00 "Хабарлар" (рус)
8.20 "Болалар спорти".
8.35 Мультсериал.
9.00 "Хабарлар" (ўзб)
9.20 "Снукер".
10.00 Детективлар.
10.30 "Ринг".
11.00 От спорти. Ўзбекистон биринчилиги.
11.30 Баскетбол. Ўзбекистон чемпионати.
12.30-13.20 "Маҳалламиз паҳлавонлари".
***
18.00 "Болалар спорти".
18.15 Мультсериал.
18.30 "Хабарлар" (рус)
18.50 Концерт дастури.
20.00 "Вести".
20.20 "Мўъжизалар майдони".
21.15 "Спорт-менинг ҳаётим".
21.30 "Хабарлар" (ўзб)
21.50 "Дорихона эшитади".
22.35 Кулгули кино: "Қайнонам бўлинг".
23.50 Футбол. УЕФА кубоги.
01.25 "Тунингиз осуда бўлсин!"

TV-MARKAZ

07.00 Марказ NEWS (узб.)
07.10 Узбек наволри
08.00 Марказ NEWS (рус.)
08.10 Мировые хиты
09.00 Сериал «БИР КАМ ДУНЁ» 8-серия
09.50 Узбек наволари
11.00 Худ. фильм «МУХАББАТ СИНОВЛАРИ»
12.40 Мировые хиты
13.30 Узбек наволари
14.00 «ТОП-20»
14.45 Узбек наволари
15.00 Теленяня
16.20 Сериал «БИР КАМ ДУНЁ» 5-6 серии
18.00 Марказ NEWS (узб.)
18.10 «Кулги маркази»
18.25 Узбек наволари
19.00 Марказ NEWS (рус.)
19.10«Миссия неповторима»
19.35 Мировые хиты
20.00 «Очил дастурхон»
20.30 Узбек наволари
21.00 «PRO-Стиль» с Шерзодом Атабаевым
21.30 Мировые хиты
22.00 Х/ф «ДУШЕВНАЯ РАНА»
00.30 «Премьера» (рус.)

4.00 «Доброе утро»
8.00 Новости
8.05 «Малахов +»
9.00 «Сестры по крови».
9.55 «Звезда эпохи».
11.00 Новости
11.30 «Лолита. Без комплексов»
12.25 «Детективы»
13.00 Другие новости
13.25 «Контрольная закупка»
14.00 Новости (с субтитрами)
14.15 Вне закона. «Обреченная свадьба»
14.50 «Любовь как любовь».
15.55 «Федеральный судья»
17.00 Вечерние новости.
17.15 «Пусть говорят».
18.00 «Поле чудес»
18.55 Премьера. «Сестры по крови».
20.00 Время
20.25 Премьера. «Вечер с Максимом Галкиным»
22.20 «Что? Где? Когда?»
23.35 Адам Сэндлер в комедии «Пуленепробиваемый»
0.55 Х/ф «Отряд 10 из Наварона»
2.00 Время
2.25 Фильм «Отряд 10 из Наварона». Продолжение
3.30 Сериал «Мертвая зона»
4.15 «Отшельники». Документальный фильм

4.00 «Доброе утро, Россия!».
7.45 «Мой серебряный шар. Георгий Милляр». Ведущий - Виталий Вульф.
8.45 «Мусульмане».
9.00 Анна Ковальчук в детективном сериале «Тайны следствия».
10.00 ВЕСТИ.
10.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
10.50 Анна Ковальчук в детективном сериале «Тайны следствия».
11.50 «ХА». Маленькие комедии.
12.05 «Городок». Дайджест. Развлекательная программа.
12.30 «Вся Россия».
12.45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
13.00 ВЕСТИ.
13.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
13.40 «Суд идет».
15.00 «Кулагин и партнеры».
15.40 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
16.00 ВЕСТИ.
16.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
16.40 «Обреченная стать звездой». Телесериал.
17.40 «Волчица». Телесериал.
18.40 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
19.00 ВЕСТИ.
19.45 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
20.05 «Спокойной ночи, малыши!».
20.15 ПРЕМЬЕРА. «Юрмала-2006». Международный фестиваль юмористических программ.
22.10 Игорь Гузун и Лада Марис в детективе «Возвращение Титаника». 1999г.
1.15 Валери Лемерсье и Винсан Линдон в фильме «В пятницу вечером» (Франция). 2002г.
3.10 «Дорожный патруль».
3.25 «Горячая десятка».
4.15 СЕРИАЛ ДЛЯ ПОЛУНОЧНИКОВ. «Закон и порядок» (США).

ШАНБА 21

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 ТВ анонс.
8.40 Олтин мерос.
"Болалар сайёраси":
8.45 "Олтин тож". Телеўйин.
9.20 "Шифокор қабулида".
9.45 "Тилга эътибор".
10.00 "Оналар мактаби".
10.20 1."Рангинкамон". 2."Дидар".
11.00 ТВ анонс.
11.05 "Оила ришталари". Телесериал.
11.40 "Рақснинг сеҳрли олами".
12.05 "Интеллектуал ринг".
12.50 "Сарой жавоҳири". Телесериал.
13.55 "Дунё иқлими".
14.00 "Ахборот".
14.15 ТВ анонс.
14.20 "Ассалом, Ўзбекистон!" Кундузги дастур.
"Болалар сайёраси":
15.20 1. "Ўйла, Изла, Топ!" Телемусобақа.
2. "Эртаклар – яхшиликка етаклар".
16.20 "Олтин бешик".
16.50 "Одамлардан бири".
17.10 ТВ анонс.
17.15 2006 – Ҳомийлар ва шифокорлар йили. "Саломатлик сирлари".
17.35 "Минг бир ривоят".
17.40 "Рамазон туҳфаси".
18.00 Олтин мерос.
18.10 "Умидбахш кун". Видеофильм.
18.55 "Умр дафтари". 2-қисм.
19.15 "Суперлото". Телелотерея.
19.20 "Дунё иқлими".
19.30 "Ахборот" (рус тилида) .
20.05 "ТВ шифокор".
20.10 "Меҳр кўзда".
20.50 "Дунё иқлими". ,
21.00 "Ахборот".
21.40 "Қўҳна оҳанглар". Д. Қодиржонова куйлайди.
22.20 "КиноТеатр".
22.50 "Мунис онам". Бадиий фильм.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.55 Дастур очилиши.
6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 "mtrk.uz".
8.05 **"Телевизор".**
8.45 "Обид-шоу" архивидан.
9.30 Юлдуз билан...
10.00 Давр.
10.15 Интерфутбол.
12.00 ЯНГИ КУН.
13.00 Давр.
13.15 Сув остига саёҳат.
14.00 **"Шимол тафти". Сериал.**
14.30 ВАТАНПАРВАР.
15.30 "Ортиқ"ча клиникаси.
16.00 Давр.
16.15 **"Севги фариштаси". Сериал.**
17.00 Бола тилидан.
17.30 "Камолот" хабарлари.
17.40 Саховат.
18.20 Каталог.
18.30 Ватаним!
18.35 "Тилимиз ҳам Ватандир!"
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 ДАВР.
19.30 Эълонлар.
19.35 Наво-SMS.
19.45 "Alokazay чойи" тақдим этади...
19.55 Дунё бўйлаб...
20.15 Ошуфта.
20.45 ДаврА.
21.15 Оҳанрабо.
22.00 ДАВР.
22.30 **Жаҳон киноси: "Уддабуронлар".**
00.15 – 00.20 Орзулар бекати.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.25 Кўрсатувлар тартиби.
7.30 **"Салом, Тошкент!"**
8.30 "Анонс".
8.35 "Гвадалупе". Телесериал.
9.15 "Телекурьер-маркет".
9.30 "Саломат бўлинг".
9.40 "Анонс".
9.45 "Дилкаш наволар": Исроил Саидумаров.
10.10 "Маърифат фидоийлари".
10.30 Мусиқа SMS.
10.50 "Репортаж" /рус/.
11.00 "Гилдиракли уй". Илмий - оммабоп фильм. 10- қисм. /рус/. /якунловчи/.
11.25 "Афиша" /рус/.
11.35 "Анонс".
11.40 "Эрудит" /рус/.
11.55- 13.35 Кино: "Посейдон" X X X.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Афиша".
18.10 "Телекурьер-маркет".
18.30 "Пойтахт"
18.45 "Гвадалупе". Телесериал.
19.25 Мусиқа SMS.
19.45 "ИИВ хабарлари".
20.00 **"Пойтахт" ахборот дастури (рус)**
20.15 "Анонс".
20.20 "Эрудит" (рус)
20.35 "Камин олдида суҳбат"/рус/
21.05 "Интервью".
21.15 "Жозиба".
21.30 "Пойтахт" ахборот дастури.
21.45 "Телекурьер-маркет".
22.05 "Топ гид. Монако". Маърифий- дастур. /рус/.
22.30 "Пойтахт"
22.50 Кино: "Миллат хазинаси"

SPORT TV

7.30 "Хабарлар".
7.50 "Бардам бўлинг".
8.50 "Хабарлар" (рус тилида)
9.10 "Смак".
9.30 "Фазенда".
10.05 "Паҳлавон".
10.35 "Том Сойернинг саргузаштлари". Болалар учун фильм.
12.00 "Баскетбол".
13.00 "Иқтидор".
13.50 "Табиатшунос саёҳати".
14.20-15.10 "Спартак Мишулин. Яна ўша Карлсон".
***
18.00 "Болалар спорти".
18.20 Мультфильм.
18.30 "Хабарлар" (рус тилида)
18.55 "Военное дело".
19.20 "Файзли ошхона".
20.00 "Вести".
20.25 "Кўнгил-кўнгилга пайванд".
21.10 "Халқ ўйинлари".
21.30 "Хабарлар" (ўзб. тилида)
21.50 "Катта пойга".
23.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. "Нефтчи"-"Пахтакор".

TV-MARKAZ

07.00 TOTAL NEWS (узб.)
07.15 Узбек наволри
08.00 TOTAL NEWS (рус.)
08.15 Узбек наволари
08.30 «Кулги маркази»
08.45 Узбек наволари
09.30 «Премьера» (узб.)
09.50 Узбек наволари
11.00 Х/ф «ДУШЕВНАЯ РАНА»
13.30 Мировые хиты
13.40 «Премьера» (узб.)
14.00 «Кинокурьер»
14.30 Узбек наволари
15.00 Теленяня
16.20 Сериал «БИР КАМ ДУНЁ» 7-8 серии
18.00 TOTAL NEWS (узб.)
18.15 Узбек наволари
19.00 TOTAL NEWS (рус.)
19.15 Концерт Севары Назархан
22.00 Индийское кино. Худ. фильм «КАСОС»
00.50 Узбек наволари

ОРТ

5.00 Новости
5.30 Гении и злодеи. «Редьярд Киплинг»
6.00 Ольга Остроумова в фильме «Прощальные гастроли»
7.15 «Играй, гармонь любимая!»
8.00 «Слово пастыря»
8.15 «Здоровье»
9.00 Новости
9.10 «Смак»
9.30 «Фазенда»
10.05 Премьера. «Доктор Курпатов»
11.00 Новости (с субтитрами)
11.10 Премьера. «Боги и демоны». Фильм 3-й
12.10 Премьера. «Вне игры»
14.20 К 80-летию артиста. Премьера. «Спартак Мишулин. Тот самый Карлсон»
15.10 Лев Прыгунов в детективе «Выстрел в спину»
17.00 Вечерние новости(с субтитрами)
17.15 «Их разыскивает милиция»
17.45 «Короткое лето Жени Белоусова». Документальный фильм
18.50 «Большие гонки»
20.00 Время
20.20 «Звезды на льду»
22.25 «Высшая лига»
23.45 Х/ф «Гудзонский ястреб»
1.35 Дрю Бэрримор в комедии «Сильная женщина» (2001 год)
3.45 «Подводный мир Андрея Макаревича»
4.10 «Никита Михалков. Свой среди своих». Д/ф

РТР

5.00 «Доброе утро, Россия!».
7.00 ВЕСТИ.
7.10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
7.20 «Военная программа» Александра Сладкова.
7.45 «Утренняя почта».
8.20 «Субботник».
9.00 «Вокруг света».
10.00 ВЕСТИ.
10.10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
10.20 «Сто к одному». Телеигра.
11.15 «Аншлаг и Компания».
12.15 «Клуб сенаторов».
13.00 ВЕСТИ.
13.20 РОДНОЕ КИНО. Александра Яковлева, Михаил Пуговкин, Вера Васильева, Арнис Лицитис и Ия Нинидзе в фильме «Приказано взять живым». 1983г.
15.00 «Национальный интерес». Ток-шоу Дмитрия Киселева.
16.00 ВЕСТИ.
16.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
17.00 ПРЕМЬЕРА. «Место встречи» с Лионом Измайловым.
18.00 ВЕСТИ.
18.30 «Честный детектив». Авторская программа Эдуарда Петрова.
19.00 ВЕСТИ.
19.20 «Субботний вечер».
22.55 Джекки Чан в боевике «Новая полицейская история» (Гонконг). 2004г.
1.15 Николь Кидман, Билли Зэйн и Сэм Нилл в остросюжетном фильме «Мертвый штиль» (Австралия - США). 1989г.
3.05 НОЧНОЙ СЕАНС. Рэй Лиотта и Джон Легуизамо в триллере «Точка возгорания» (США).
4.25 Канал «Евроньюс» на русском языке. до 3.51

ЯКШАНБА 22

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.40 Олтин мерос.
8.55 "Сирли мунажжим". Теленовелла.
"Болалар сайёраси ":
9.10 1. "Ўйла, Изла, Топ!" Телемусобақа.
2. "Бананлар". Мультсериал.
10.20 2006 – Ҳомийлар ва шифокорлар йили. "Саломатлик сирлари".
10.40 "Навобахш". Ток-шоу.
11.25 "Ҳажвия бисотидан".
11.50 "Ибн Сино издошлари".
12.20 "Ҳаёт давом этади".
12.45 "Анқов". Бадиий фильм.
14.20 "Ассалом, Ўзбекистон!" Кундузги дастур.
15.20 "50x50". Ток-шоу.
16.10 "Ватан ҳақида қўшиқлар".
"Болалар сайёраси":
16.15 "Олтин тож". Телеўйин.
16.50 "Шўрданак".
17.15 "Одами эрсанг".
17.35 "Минг бир ривоят".
17.40 "Рамазон туҳфаси".
18.00 Олтин мерос.
18.10 "Оталар сўзи – ақлнинг кўзи".
19.10 "Оҳанглар оғушида".
19.20 "Дунё иқлими".
19.30 "Таҳлилнома" (рус тилида)
20.05 "Оддий ҳақиқатлар".
20.50 "Дунё иқлими".
21.00 "Таҳлилнома".
21.45 Олтин мерос.
21.50 "Заковат".
23.00 "Ишқий кайфият". Бадиий фильм премьераси.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.55 Дастур очилиши.
6.00 **Ҳинд киноси: "Симладаги муҳаббат".**
8.45 Ватаним!
8.50 "Камолот" хабарлари.
9.00 Давр-репортаж.
9.10 "Садолар сеҳри". Анвар Санаев.
9.40 "Тилимиз ҳам Ватандир!"
10.00 ВАТАНПАРВАР.
11.00 Journal.
11.20 Оҳанрабо.
12.00 ДаврА.
12.30 "YOSHLAR"ДА КУЗ ОҚШОМЛАРИ.
14.00 **Жаҳон киноси: "Ҳаёт эртаги".**
15.50 Ойдин орзули одамлар .
16.05 Ватан мадҳи.
16.15 Ринг қироллари.
17.05 Чемпион сирлари.
17.25 Ватаним!
17.30 Орзулар майдони.
18.00 МУХЛИС-ШОУ.
18.40 Дилрабо.
18.55 Иқлим.
19.00 Давр ҳафта ичида.
19.30 Эълонлар.
19.35 Наво-SMS.
19.45 Қилни қирқ ёриб...
20.30 "Жўшқин ёшлигим!"
21.00 "Ортиқ"ча клиникаси.
21.30 CINEMANIYA.
22.00 **Жаҳон киноси: "Fuyur va andisha".**
00.00 – 00.05 Орзулар бекати.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 **Салом, Тошкент!"**
8.35 "Гвадалупе". Телесериал.
9.15 "Телекурьер-маркет".
9.30 "И И В хабарлари".
9.50 "Интервью".
10.00 "Афиша".
10.30 "Мадакаскар". Мультфильм.
11.50 "Камин олдида суҳбат"
12.20 "Топ. Гид. Монако". Маърифий дастур /рус/.
12.45 "Дорихона эшитади". /рус.
13.30 Кино: "Миллат хазинаси"
15.35 "Эрудит" /рус/.
15.50 "Авто-диллер". Ҳужжатли фильм /рус/.
16.10 "Телекурьер-маркет".
16.30 "Жозиба".
16.50 Б/ф "Бэкхемдан қолишма".
18.35 "Саньат гулшани".
18.55 "Телекурьер - маркет".
19.15 "Дилкаш наволар": Гули Асалхўжаева.
19.40 "Эрудит". /рус/.
19.55 "ММ- шоу".
20.40 "Туризм ҳақида". /рус/.
21.10 Якшанба кинозали: "Ета олсанг тутиб ол!" /рус/.

SPORT TV

7.30 "Хабарлар".
7.50 "Бардам бўлинг".
8.50 "Хабарлар" (рус тилида)
9.20 "Йўлда ёзилмаган қайдлар".
9.35 "Ҳамма уйдалигида".
10.30 "Қувноқ стартлар".
11.10 "Рақибингиз гроссмейстер".
11.30 "Файзли ошхона".
12.05 "Баскетбол".
13.05 Болалар дастури: "Табассум".
13.15 Мультфильм.
13.30 "Мусиқий марафон".
14.10 "Аралаш".
14.40-15.30 "Проф-РИНГ".
***
18.00 "Умид юлдузлари".
18.15 Мультфильм.
18.30 "Версия".
19.00 "Спорт уик-энд".
19.40 "Тайм-аут".
20.00 "Вести".
20.20 "Бир остидан, бир устидан". Бадиий фильм.
21.30 "Талқин".
22.00 "Тенгдош".
22.20 "Юлдузлар муз устида".
23.50 Еврофутбол.

TV-MARKAZ

07.00 TOTAL NEWS (узб.)
07.15 Узбек наволри
08.00 TOTAL NEWS (рус.)
08.15 «Юлдузли пайшанба»
08.45 Узбек наволари
10.00 Сериал «БИР КАМ ДУНЁ» 5-8 серии
13.00 Узбек наволари
14.00 «Великолепная семёрка»
14.30 Узбек наволари
15.00 Теленяня
16.20 Узбек наволари
16.30 «Премьера» (рус.)
16.50 Мировые хиты
17.00 Узбек наволари
18.00 TOTAL NEWS (узб.)
18.15 «Кулги маркази»
18.35 Узбек наволари
19.00 TOTAL NEWS (рус.)
19.15 Узбек наволари
20.00 «Спецрепортаж»
20.20 Узбек наволари
21.00 «ТОП-20»
21.45 Узбек наволари
22.00 **Кино-SMS:**
1. «МЕТОД ХИТЧА»
2. «ПРОФЕССИОНАЛЫ»
3. «РАЗВОД ПО-АМЕРИКАНСКИ»
24.00 Миксер

ОРТ

5.00 Новости
5.35 Спартак Мишулин в фильме «Хорошо сидим»
6.55 Искатели. «Две смерти княжны Таракановой»
7.40 «Служу Отчизне!»
8.10 «Умницы и умники»
9.00 Новости
9.20 «Непутевые заметки» с Дмитрием Крыловым
9.35 «Пока все дома»
10.30 Елена Сафонова, Виталий Соломин в фильме «Зимняя вишня»
13.00 Новости (с субтитрами)
13.10 Фильм «Зимняя вишня». Продолжение
14.10 Воскресный «Ералаш»
14.40 Концертная программа
17.00 «Времена» с Владимиром Познером
18.00 Дастин Хоффман в комедии «Тутси»
20.00 Воскресное «Время». Информационно-аналитическая программа
20.45 Премьера. Шон Коннери в приключенческом фильме «Лига выдающихся джентельменов»
22.40 Футбол. Чемпионат России. «Зенит»-»Локомотив»
0.40 Премьера. «Секс-символы». Документальный сериал
1.35 Премьера. Робин Уильямс в триллере «Срочное фото»
3.15 «Здоровье» Ст. редактор Вильчицкая Т.А. Тел. 540-55-86, 24-11

РТР

4.50 Ирина Метлицкая в фильме «Расписание на послезавтра».
6.30 «Здоровье».
7.00 ВЕСТИ.
7.10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
7.20 «Сельский час».
7.50 «Диалоги о животных».
8.20 «Жил-был пес». Мультфильм.
8.30 Андрей Ростоцкий и Всеволод Сафонов в приключенческом фильме «Непобедимый». 1983г.
10.00 ВЕСТИ.
10.10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
10.20 «Городок». Дайджест. Развлекательная программа.
10.50 «Сам себе режиссер».
11.45 «Смехопанорама Евгения Петросяна».
12.15 «Парламентский час».
13.00 ВЕСТИ.
13.20 «Фитиль № 105». Сатирический тележурнал.
14.05 «Форт Боярд».
15.40 ПРЕМЬЕРА. «Аншлаг и Компания».
17.30 Все звезды в юбилейной программе Театра ледовых миниатюр.
19.00 «ВЕСТИ НЕДЕЛИ с Сергеем Брилевым».
20.00 «Специальный корреспондент».
20.25 Денис Никифоров, Елена Панова, Андрей Панин и Сергей Безруков в боевике Алексея Сидорова «Бой с тенью». 2005г.
23.00 ПРЕМЬЕРА. Вэл Килмер в остросюжетном фильме «Спартанец» (США- Германия). 2004г.
1.05 Комедийный боевик «Полный привод» (Франция-Великобритания). 2002г.
3.10 Канал «Евроньюс» на русском языке. до 2.41



BOLALAR Burchagi

Aziz bolajonlar! Siz ham chizgan rasmlaringiz va yozgan ertaklaringizni o'z suvratingiz bilan birga bizga jo'nating. Yoshingiz va nechanchi sinfda o'qishingizni ham yozishni unutmang. Rasmlaringizni oq qog'ozga chizing. Xatlaringizni kutamiz!



Sunnatilla MIRVALIYEV.
Toshkent viloyati, Parkent tumanidagi 26-maktabning 4 «V» sinf o'quvchisi.



Shahzod BOHIDJONOV.
Toshkent shahar, Yunusobod tumani, 288-maktabning 5 «A» sinf o'quvchisi.

Muxlisa HAMROQULOVA.
Toshkent viloyati, Parkent tumanidagi 26-maktabning 2 «B» sinf o'quvchisi.

O'QITUVCHIMGA

Daryolarda oqqan suv,
Osmondagi oq bulut.
Tunda- oy, kunduz - quyosh,
Sizni eslatar, uztoz.

Agar oqmasa daryo,
Bo'lmasa ko'kda ziyo.
Qorong'ulik, tashnalik,
Ilmsizdir go'yo.

TABIAT

Nega xomushsan biroz,
Tomchi-tomchi to'kib yosh?
Sovqotdihgmi yo sen ham,
Kiyiming yupun biram.

Xafa bo'lma, qara, boq,
Pishgan qovunu, tarvuz.
Barglaring to'ksa hamki
Chiroyli-ku oltin kuz!

Hulkar O'ROLOVA,
Surxondayo viloyati, Qumqo'rg'on shahri, 1- o'rta maktabining 5-sinf oquvchisi.

So'najon QURBONBOYEVA.
Xorazm viloyati, Xazorasp tumani, Pitnak shahri, 17-maktabning 3 «B» sinf o'quvchisi.



НИМА? НЕГА? НИМА УЧУН?

ЭЙФЕЛ МИНОРАСИ ҚАЧОН ҚУРИЛГАН?

Париждаги Эйфел минораси француз инженери Александр Густав Эйфел томонидан лойиҳалаштирилган. Унинг қурилиши 1886 йилда бошланиб, 1889 йилда якунланган. Миноранинг баландлиги 300 метр. У бир-бирига махсус болтлар ёрдамида бириктирилган қўйма темир қисмларидан тикланган. Ўша даврнинг меъморлари минора лойиҳасини ҳам, уни қуришда ишлатилган материалларни ҳам кескин танқид қилишган. Аммо йиллар ўтиб, мазкур минора Парижнинг рамзига ва дунёдаги машҳур меъморий ёдгорликлардан бирига айланиб қолди.

СОВУН НИМАДАН ОЛИНАДИ?

Совун ўсимлик ёки ҳайвонот ёғларига каустик сода ёхуд карбонат ангидридли калий қўшиб тайёрланадиган маҳсулот бўлиб, у сувда эрувчанлик ҳамда кир ва ёғларни кетказиш хусусиятига эгадир. Совуннинг қачон ўйлаб топилгани аниқ эмас. Аммо қадимги Миср ва Эронда, шунингдек Шарқнинг бир қатор давлатларида совундан кенг фойдаланилгани тарихий манбалардан маълум. Бугунги кунда чигитдан ёғ олингандан кейин қолган маҳсулотлардан кир ювиш учун мўлжалланган, турли доривор гиёҳлар қўшиб эса ювиниш, чўмилиш ҳамда косметик мақсадларда фойдаланиш мумкин бўлган совунлар ишлаб чиқарилади.

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ УЗОҚ МУДДАТ ҚАНДАЙ САҚЛАНАДИ?

Одатда биз табиий озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қиламиз. Уларнинг аксарияти бактериялар, микроблар, ҳаво, ёруғлик таъсирида тез бузилиш, айниш, ачиш хусусиятига эга. Бугунги кунда кўпгина маҳсулотларнинг сақланиш муддатини узайтириш учун ичидан ҳаво сўриб олинган махсус пластик, елим ёки шиша идишларга қадоқлашмоқда.

Шунингдек, мева ва сабзавотларни қуритиб олиш, консервалаш ёки тузлаб қўйиш йўли билан ҳам узоқ муддат сақлаш мумкин. Қуритишда мевалар бир неча ҳафта мобайнида қуёшга ёки қуруқ жойга ёйиб қўйилади. Кейинчалик уларни шу ҳолича ейиш, компот ва шарбатлар тайёрлаш мумкин. Бодринг, помидор, карам кабилар эса тузлаб қўйилади. Деярли барча мева ва сабзавотларни шиша банкаларга консервалаб қишга сақлаб қўйиш мумкин.

Музлаткичлар эса маҳсулотларни бир неча кун давомида сақлаш имконини беради.

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ҚОЛДИҚЛАРИНИ НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

Озиқ-овқат маҳсулотлари қолдиқларини сақлаб қўйиш, дуч келган жойга ташлаб кетиш ярамайди. Чунки қуёш, ҳаво ҳамда атмосферадаги микроб ва бактериялар уларнинг чиришига, сасишига сабаб бўлади. Бу эса бир томондан ҳавони бузса, иккинчи томондан турли юқумли касалликлар тарқалишига олиб келиши мумкин. Шу боис шаҳарларда озиқ-овқат маҳсулотлари қолдиқларини

махсус ажратилган жойларга чиқариб ташлаш зарур. Улар шаҳар ташқарисига олиб чиқиб кетилади ва ахлатхоналарда кўмиб ташланади ёки ёқиб юборилади. Қишлоқларда ҳам уларни четроққа ташлаб кўмиб ёхуд ёқиб юбориш зарур. Аммо металл ва шиша буюмларни ерга кўмиш тавсия этилмайди. Чунки ерга кўмилган қоғоз 15-20 кун ичида чириб, парчаланади, консерва банкалари 20 йилгача, шиша буюмлар эса ундан ҳам кўпроқ сақланиб қолаверади.

ЧИҚИНДИХОНА НИМАГА КЕРАК?

Кундалик фаолият ва турмуш жараёнида йиғилиб қолган турли чиқиндилар йиғилиб, шаҳарлардан анча ташқарида жойлашган махсус ажратилган жойларга олиб бориб ташланади. Мана шу жойлар чиқиндихона дейилади. Одатда, уларнинг тевараги ўралиб, атроф-муҳитга салбий таъсир этмаслиги назорат қилиб турилади. Жумладан, чиқиндихоналар ариқ, зовур ва дарёлар яқинида бўлмаслиги, ер ости сизот сувларини заҳарламаслиги керак. Вақтивақти билан йиғилган чиқиндиларнинг усти текисланиб, зичлаб бостириб, тупроқ тортиб чиқилади.

ШИШАДАН НИМАЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ?

Биз истеъмол қиладиган кўплаб маҳсулотлар, хусусан мураббо, компот, шарбат, шиннилар, чанқовбосди ичимликлар, турли тузламалар одатда шиша идишларга қадоқланган бўлади. Шиша ерга кўмилса ҳам, сув тагида ҳам йиллар давомида ўз хусусиятини йўқотмайди. Шу боис шиша идишларни чиқиндихонага ташламасдан махсус қабул пунктларига топшириш зарур. Улар қайта ишлаш ёки қадоқ идиш сифатида қайтадан фойдаланиш учун заводларга жўнатилади.

ДАРМОН тайёрлади.

Хайём шашвишлари ва кувончлари

Бугунги улуғ моҳи Рамазон кунларида ҳар биримиз элга чиройли дастурхонлар ёзиш, ҳайр-эҳсон қилиш каби савоб ишларни мақсад қилиб қўямиз. Лекин эл кўрмайдиган, билмайдиган эҳсонларни қилиш ҳар доим ҳам эсга келавермайди. Агар ҳар биримиз бир лаҳза тўхтаб, қуюқ дастурхон олдида «ота-онамиз, қариндош-уруғимиз, ёру-дўстларимиз қаерда экан, аҳволи қандай экан?», деб ўйлаганимизда, эҳтимол "Саҳоват уй"ларида бизни интизор бўлиб кутаётганларнинг сони озаярмикин?

"Саҳоват уйи"да яшаётган икки юзга яқин одамдан фақат биттасининг аччиқ қисмати ҳақида ёзилган ушбу мақола юртдошларимиз қалб торларига тегиб кетармикин, меҳр-мурувват деган муқаддас туйғуларни уйғотармикин, деб ўйладим, умид қилдим.

ЮРАК ЙИҒЛАГАНДА...

Ёшлик пайтларимдаги қадрдон қўшним - Қумрихон аянинг "Қариялар уйи"да эканлигини эшитиб, тинчимни йўқотдим. Ана бораман, мана бораман, деб 3-4 ой ҳам ўтиб қолди. Охири бир куни йўлга отландим. Сўраб-суриштириб шаҳарнинг чеккасида одамлардан яширингандай, биров билмасин дегандай хушманзара, сўлим боғлар билан ўралган "Саҳоват уйи"га кириб бордим. Ҳовлига киришим билан қоровул: "Келинг, келинг опа, кимни ахтараяпсиз?" - деб хушмуомалалик билан кутиб олди-ю, ая ётган хонага кузатиб қўйди. Кенг, ёруғ хонанинг иккала бурчагидаги каравотларда ғужанак бўлиб ётган бу аёлларнинг қай бири Қумрихон ая эканлигини билолмай турганимда, чап томондаги каравот ғичирлаб: "Вой болам, келинг, сизни ҳам кўрар кун бор экан", деган паст овоз эшитилди. Қайрилиб қараб энгашганимни биламанки, ая мени маҳкам қучоқлаб, йиғлаб юборди. Бундай оғир учрашувдан кўнглим тўлиб, хўрлигим келиб, томоғимга бир нарса тиқилгандай бўлди-ю, кўз ёшларимни тиёлмай, югуриб ташқарига чиқдим, тўйиб-тўйиб йиғладим. Шунда ўриндиқда ўтирган бир аёл секин ёнимга келиб: "Йиғламанг синглим, йиғламанг. Биз ҳаммасига кўникканмиз, бу тақдири азал",- деб юпатган бўлди. Яна қайтиб ичкарига кирганимда ая йиғидан қизарган кўзларимга бир қаради-ю, хижолат қилмаслик учун: "Чой бор, қизим, ичиб олинг", - деб чойнакка ишора қилди. Аяга тикилиб қарар эканман, унинг ёшлик пайтларини эсладим. Ўрта бўйлик, тўладан келган, қош-кўзлари тим қора, юзлари тиниқ, бодом қовоқ, тишлари маржондек оппоқ, икки ўрим қалин сочлари белига тушар, қулоғида катта ойбалдоқ, қўлидаги билагузук уни янада гўзал, янада латофатли қилиб кўрсатар эди. Энди-чи, энди Қумрихон аянинг кўёш кўрмаган рангпар юзлари, йиғлай-йиғлай нам қолмаган ғамгин кўзлари, оҳиста ялингансимон қарашларидан унинг қалбини қийнаётган оғир дард, битмас жароҳат борлигини бутун вужудим, дилим билан англар, сезар эдим. Хонага кириб келган ҳамшира аёл илиққина сўрашдию, "кими бўласиз?" деб сўроқ-саволга тутди. Хижолатдан ўзимни йўқотиб қўйдим-у, индамадим. Шунда ҳамшира: "Ая шўрлик кўзи тўрт бўлиб эшикка тикилгани тикилган. 3-4 та келишган йигитлар обкелиб, ташлаб кетишганича қайтиб келишмади",- деди-ю, шошилиб чиқиб кетди. Ер ёрилмадию, ерга кирсам. Ая мени хижолатликдан қутқариш учун: "Сиз хафа бўлманг, дўхтир жияналаримни айтаяпти. Ҳозир ҳаммага ҳам осонмас, улар ҳам ишда-да, вақти йўқ",- деб ёнидан жой кўрсатиб: "Тикка қолдизу, ўтиринг болам", деди меҳрибонлик билан.

Ая билан анчагина ўтириб у ёқ-бу ёқдан гаплашиб, энди турмоқчи бўлганимда: "Жон қизим, кетманг, яна бироз ўтиринг, ичим шундай тўлиб кетганки, сизга айтай, бўшатай, тағин у дунёга ҳам дардларим билан кетмай", деб туришга қўймади. Аянинг ёш боладек кичкина гавдаси, ориқ, қуриб қолган қўллари билан қўлимни маҳкам сиқиб, жовдираб қарашларидан кўнглим ғалати бўлди-ю, яна ўтириб олдим.

Ая ҳам худди шуни кутиб тургандай синиқ овозда ўзининг ҳаёт ҳикоясини сўзлай бошлади.

...Менинг ёшлик пайтларим урушнинг оғир, даҳшатли даврларига тўғри келди. Айни 17 ёшга кирганимда номинг ўчгур Гитлер билан уруш бошланди-ю, тўрт акамни олдинма-кетин урушга олишди. Икки йил ўтиб ўтмасдан икки акамдан "қора хат" келди. Оҳ, улар қандай келбатли, қош-кўзлари ёнган паҳлавон йигитлар эди. Ҳали кечагидай эсимда, иккинчи акам Ғофиржондан "қора хат" келганда, ойим шўрлик болахонадаги уйимизда дўппи тикиб ўтирган эдилар. Дарвозадан кириб келган "селсовет" опани кўрдилар-у, "дод" деб ўзларини пастга ташлаб юбордилар, ерга йиқилиб ҳушдан кетдилар. Ўша пайтларда бундай оғир хабарни қишлоқ советининг раиси етказар эди. Шундан сўнг онажоним узоқ касал бўлиб ётдилар. Бунинг устига яна бир акамдан урушда бедарак йўқолганлиги ҳақида хабар келди. Энди буниси ортиқча бўлдими, билмадим, ойим бир йил тўшакка михланиб қолдилар. Дадам меҳнат фронтида, опам эрта-ю кеч далада, қоронғуда қайтади. Мен эса ойижонимнинг ёнларидан бир қадам жилмай қарайман.

Бир куни ярим кечада, ойим қаттиқ ухлаб қолдилар дедим-у, чироқни секин ўчирдим. Шунда ойижоним:

- Қумри, жон қизим, ёқ чироқни, ўчирма, назаримда умрим чироғи ўчиб қолаётгандай,- деб секин жонсиз шивирладилар. Мен унда ёшман-у, нега бундай деяптилар экан, деб:

- Ойижон, бу нима деганингиз ахир. Чироқ ўчар, яна ёнар, - дедим тушунмай. Шунда онажоним:

- Йўқ, болам, умрим чироғи ўчса, ўчсин, уйимнинг чироғи ўчмасин, деяпман,- деб оғриқ азобидан бошқа гапиролмадилар.

Йиллар ўтиб, ёшим улғайиб энди тушунаяпман бу сўзларнинг мағзини. Орадан кўп ўтмай, олдин онажоним, сўнгра отажоним уч паҳлавон ўғиллар доғу-ҳасратида куйиб-ёниб, ёруғ дунёни тарк этдилар. Шундан сўнг опам Зумрадни қариндош-уруғлар бош бўлиб, икки кило гуручдан ош дамлаб, тўртта оқсоқолни чақириб, тўй қилиб куёвга узатдик. Уруш охирлаб қолганда энг кичкина акам Собиржон ярадор бўлиб қайтди.

Оиламизда ёлғизгина аканинг қўлида етим бўлиб фақатгина мен қолдим. Кўп ўтмай мени ҳам узоқ қариндошимизнинг ўғлига узатишди. Беш йил яшадик, фарзанд бўлмади. Энди онамнинг уйига нафақат етим, балки есир бўлиб қайтиб келдим. Орадан анча йиллар ўтгач, мана шу сиз билган тоғангиз Самад акага бе-ришди. У кишининг олдинги турмушидан битта қизи бор эди. Дунёда биздан бахтли-тахтли оила йўқ эди. Биз бир-биримизни еру-кўкка ишонмас эдик. Эрим кўнгли ўксинмасин деб бирор марта ҳам фарзанд ҳақида оғиз очмас эди. Ўзим ҳам баъзида сиқилган пайтларимда, «Худога шукр, қатор-қатор жиянларим бор-ку, ахир улар ҳам жигар-бандларим, фарзандларим-да. Одамлар ўз фарзандларига бизчалик меҳрибон эмас-ку! Бир куни катта бўлишса бизни ташлаб қўйишмас",- деб умид қилар эдим. Афсус, ширин орзуларимиз саробга айланди. Ўзингиз ҳам билардингиз-ку, қизларга қатор-қатор сепу-сидирғалар, йигитларга тўйнинг бирор камини қилиб тўйбоши бўлиб турар эдик. Айниқса, ҳеч эсимдан чиқмайди, чолим раҳматли, ҳайитларда ҳаммасига ҳайитлик улашиб чиқар, яхшироқ овқат қилсак, томоғидан ўтмай, айттириб келар ва бундан ўзи ҳам хурсанд бўлиб "ёш болалар билан бирга овқат ейишнинг савобига нима етсин",- деб қўяр эдилар. Ўзим ҳам шўрлик опажоним қиз чиқараверди, эзилиб кетди, деб кенжа қизи Маҳлиёнинг "чақирди"сида, чолим раҳматли олиб берган қашқар балдоқни қулоғига таққан эдим. Майли, бор экан, берибман, минг марта розиман, танижонлари соғ бўлса бўлди.

Ёшим қирқлардан ўтиб қолган эди. Кеч кузда эди шекилли. Узоқ қариндошимизнинг келини туғруқхонада кўзи ёриб, уч кундан сўнг эса оғир дард азобидан, янги туғилган қизалоғини қолдириб, ёруғ дунёдан кўз юмди.

Бу мудҳиш хабарни эшитдим-у, юрагим сесканиб, "Болани беришармикин, олсакмикин?", деган ўй-хаёл миямни чулғаб олди. Бир неча кунгача кўз юмолмай тонг оттирдим. Бир куни кечки овқат пайтида:

- Дадаси, нима дейсиз, ўша гўдакни олсак. Болага қарайдиган одам йўқ экан. Ахир, бир куни қариган чоғимизда кунимизга яраб қолар? - деб саволомуз қарадим.

Шунда чолим:

- Қийналиб қолмайсанми? Яна ихтиёр ўзингда, - деди-ю, ташқарига чиқиб кетди. Кўп ўтмай гўдакни туғруқхонадан олиб келдик. Эл-юртга дастурхон ёзиб, "Бешик тўйи" қилиб бердик. Исмини ҳам оиламизга бахт келтирсин, бахтли бўлсин, деб Бахтинисо қўйдик.

Ая бир зум индамай қолди-ю, сўнг оғир уфф тортиб, сўзида давом этди:

- Қандай қилай, "айтсам тилим, айтмасам дилим куяди", деганларидек, бу бола нафақат бизни, балки ўзини ҳам бахтсизликка дучор қилиб кетди. Албатта гўдакка қараш ҳам осон бўлмади. Лекин уни бағримга босганимда гўдакнинг ширин нафасидан маст бўлиб бошим айланар, қалбим қувончларга тўлар, Оллоҳга шукроналар қилар эдим. Тунлари ширин аллалар айтиб тонг оттирардим. Йиллар ўтиб қизимиз ҳам вояга етди. Ой чиқса ҳам, кун чиқса ҳам Бахтинисога бўлди, ўзимиз емай-едирдик, ичмай-ичирдик, киймай-кийдирдик. Кўнгли ўксинмасин, деб суйиб-эркалатдик, сўкмадик. Бир сўзини икки қилмадик. Лекин бора-бора қизимизнинг тилак-истаклари ортиб борар, тинмай пул сўрар, эрта кетиб кеч қайтар, ўқишга, ишга қизиқмас, ҳеч кимни менсимас, тубсиз жарга қараб бораётганлигини сезмас эди.

Бир куни у ўзига ўхшаш такасалтанг бир йигитни бошлаб келди-ю: "Бува, танишинг, Салимжон. Яхши йигит, яқинда тўй қиламиз", деб ҳиринглаб кулди. Биз чол-кампирлар ҳайратдан бош чангаллаб қолдик. Илож йўқ, тўй ҳам қилиб бердик. Қизим бирин-кетин икки фарзандли бўлди. Бахт билан бахтсизлик эгизакмикин, билмадим. Биз бир-биридан ширин жажжи неваралар борлигидан бахтиёр бўлсак, бегуноҳ норасида гўдакларнинг етим бўлишидан қўрқар эдик. Чунки, қизимиз ва унинг эри гиёҳвандлик деган балойи-офатга йўлиққан эдилар. Улар иккала болани бизга ташлаб санғиб юришар, уйдан қўлга илинган нарсани олиб сотишар, ичишар, чекишар эди. Биз шўрлик чол-кампирларнинг еганимиз заҳар, ичганимиз заққум бўлиб, ўзингдан чиққан балога, қайга борасан давога, деб ҳайрону вайрон бўлиб қолавердик. Охир-оқибатда биз юрак ҳовучлаб кутган фожеа ҳам юз берди.

Бир куни ярим кечада қизим хушхаёли ўзида йўқ, уйга кириб келди. Қўлидаги сумкасини отиб юборди-ю:

- Ойижон, сув беринг, ичим ёниб кетаяпти, - деб бақирди. Мен қўрқиб кетганимдан югуриб ошхонага кираётиб оёғим остидаги пақирга урилиб, йиқилдим. Шошиб-пишиб ўрнимдан турдим-у: "Ҳозир, ҳозир, жон болам", деб бир чиннида тўла муздек сувни узатдим. Қизим сувни тўхтамай ичиб олди-ю, хонтахта ёнидаги яқандазга чўзилиб ётиб: "Ойи, чиқинг. Халақит берманг, ухлайман", - деб донг қотиб ухлаб қолди.

Мен секин оёқ учида ошхонадан чиқдим-у, анчагача ухлолмай тонгга яқин қаттиқ уйқуга кетибман. Тушимда Бахтинисо эски уйда экан-у, том босиб қолибди. Мен дод-фарёд қилиб уни ахтараяпман. У ҳеч қаерда йўқ эмиш. Уйғониб кетдим-у, югуриб ошхонага кирсам, қизим кўзи очиқ ҳолда осмонга қараб ётибди.

- Бахти, Бахтижон, қизим тур, тур, - деб қўлини ушлаганимни биламан, ток ургандай карахт бўлиб қолдим. Қизимнинг бадани музлаб қолган эди.

Ая унсиз йиғлар, аъзойи бадани қалтирар, титрар эди. Унга қўшилиб менинг ҳам юрагим ларзага келар, ҳаётнинг аччиқ қисматларидан эзилиб, адо бўлган бу аёлга қараб, юпатгани сўз тополмай қийналар эдим. Кўз олдимга ўғлим билан қувишиб ўйнаб юрган истарали, дўмбоққина, сочлари қўнғироқ қизча келди-ю, ичимда "наҳотки у йўқ энди", деб ўйладиму, ўз ўйимдан ўзим қўрқиб кетдим. Бироздан сўнг ая бошини кўтариб яна сўзлай бошлади.

(Давоми 13-бетда)

МЕҲРГА ЗОР ЎТГАН ЭКАН...

Турмуш чорраҳаларида

Онам уч яшарлигида онасидан етим қолган. Отаси бошқа бир аёлга уйланган. Бироқ аёл ўгай болаларига (онамнинг битта акаси ва битта укаси ҳам бўлган) яхши қарамагани учун тезда унинг жавобини бериб юборишган. Ундан кейин бу уйга кириб келган ўгай она эса кетма-кетига олтита қиз туққан. Ўзининг олтита қизи бўлган аёлнинг ўгай қизига жудаям меҳр бермагани аниқ. Онамнинг феъл-одатлари шундай эдики, болалигида бўлиб ўтган воқеалар ҳақида иложи борича бизларга гапирмасликка ҳаракат қиларди. Хуллас ўгай онасининг у-бу қилиқлари, ёки гап-сўзлари бизларга ёқмай турса ҳам, онам бу кунгача ҳаёт бўлган онасидан хабар олиб туришимизни жуда истайди. У ҳақда ножўя гап гапиришга йўл қўймайдилар. Ҳозир онам 70 ёшга кириб қолди. Ўгай онаси эса тахминан 85 ёш атрофида. Орадан қанча-қанча йиллар ўтди. Бу вақт балки онамга ўшандаги аянчли ҳаётининг эсидан чиқиб кетишига ёрдам бергандир. Аммо инсон ҳамиша она меҳрига зор ўтарканми, онагинам Ҳадича исмли аёлни ўзларига "тутинган она" сифатида қабул қилганлар. Ҳар иккалари ўзларини бир-бирлари билан худди ҳақиқий туғишган она-боладек тутишарди.

Онамнинг "тутинган она"лари Ҳадича ая баланд бўйли, гапга чечан, ниҳоятда меҳнаткаш, ўз ишига пишиқ, шаддодгина аёл эди. Унинг иккитагина ўғли бўлиб, қизлари ёшлигида нобуд бўлиб кетишганди. Ая ҳар томонлама ўзига ишонган аёл бўлганлиги сабабли ҳам маҳалла-кўй унинг оғзига қарар, усиз бирорта тўй ёки маърака ўтмасди. Қайси хонадонда бир тадбир бўлса, то шу уй ушбу ташвишидан қутулмагунича Хадича ая ўз уйига келмасди. У пайтларда қўшни учун қўшни (қариндош ҳам эмас) жонини бергудек бўлишарди. Хуллас, бизнинг аямиз, ана шунақа эл қайвониси эди.

Кайвони ая билан бир маҳаллада яшардик. Бироқ унинг уйи бизларникидан бироз олисроқда эди. Ҳар куни кечқурун у ёққа овқат ташиш бизга малол келарди. Онамиздан қўрққанимиздан индамасдик. Унинг оиласи бизнинг овқатимизга муҳтож эмас эди. Аммо уни ҳар куни оқшом иссиқ овқат билан йўқлаш онамнинг "фарзандлик бурчи" эди. Кейинчалик бизлар яшаётган маҳалладан янги аэропорт йўли ўтадиган бўлдию, ҳамма уйлар бузилди. Шаҳарнинг бир чеккасидан янги уй қуриш учун ер берила бошланди. Ўша пайтда онам билан "тутинган момомиз" маслаҳатлашиб, бир жойдан ер олишди. Бунга иккаласининг ҳам оила аъзолари қаршилик билдиришмади. Шу таҳлит улар ёнма-ён уй қуришиб, девордармиён қўшни бўлиб яшай бошлашди. Бу вақтда мен турмушга чиққандим. Ўзим билан ўзим андармон бўлиб, бу томонларга тез-тез кела олмасдим ва табиийки, Хадича аяни ҳам кам кўрардим. Ҳар келиб кетганимда бир нарсадан кўнглим хижил бўлиб кетардим. Ая кейинги пайтда негадир иккала ўғли, айниқса, ўзи билан яшайдиган ўғли билан чиқишолмай қолибди. Анча гап-сўзлар ҳам бўлиб ўтибди. У ҳар гал уйда жанжал бўлса анча вақтгача бизникига чиқиб яшарди. Бундан онам жуда сиқиларди. Чунки бир томондан тутинган онасига ичи ачиса, бундан энсаси қотаётган отамнинг қош-қовоғидан қўрқарди. Бунинг устига онамнинг қайнота-қайнонаси ҳаёт. Биз билан ёнма-ён яшаётган, уйимизга ҳар куни кириб чиқиб турадиган қайнилари, табиийки, бу кампирнинг ўз уйи бўла туриб, бу ерда ўралашиб юришини ёқтиришмасди. Бундан ташқари, аянинг ўғли отам билан бир синфда ўқишган ва ёшлигидан аҳил дўст эдилар. Шунинг учун ҳам отам дўсти томонда бўлиб, кампирнинг аразини ҳазм қила олмасди.

Тутинган онанинг фарзандлари билан онамнинг муносабатлари яхши бўлган. Шунинг учун ҳам, онам бу воқеалардан анча сиқилди, аяга кўп насиҳатлар ҳам қилди. Маҳалланинг бошқа аёллари ҳам кўп гапиришди, фойдаси бўлмади. Раҳматлининг қайсар одати бор эди. Бир пайтлари эл орасидаги умри бўйи мисқоллаб топган обрўсига путур етказаётганди. Онам бу ҳолнинг олдини олишга кўп ҳаракат қилди. Умрининг охирида ая ўз хонасидан чиқмайдиган бўлиб қолди. Онам бу ҳолатга ҳам куйиниб, уларнинг ҳар кунги ейдиган овқатини уйига олиб борадиган бўлди. Чунки ая келинининг қўлидан овқат емасликка аҳд қилган бўлиб, оч ўтираверараркан. Орадан йиллар ўтди. Аянинг бандаликни бажо келтирганларига ҳам кўп йиллар бўлди. Онамнинг қайнота-қайнонаси ҳам, отам ҳам оғир дард билан бевақт оламдан ўтди. Бугунги кунда вазият анча ўзгарди. Аянинг ўғил набиралари бозорда пул алмаштириш билан шуғулланадиган бўлишди-ю, бирданига бойиб, босар-тусарини билмай қолишди. Бир пайтдаги яқинликдан бугун асар ҳам қолмади. Улар қўшниларни танлабгина муомила қилишади. Қўшнилар билан кирди-чикди қилишга вақтлари ҳам йўқ.

Ҳайит куни қабристон бўйлаб ўз яқинларимнинг қабри томон бораркан, йўл бўйида мунғайибгина турган "тутинган момом"нинг қабрини ҳам зиёрат қилиб ўтаман. Қабрнинг аҳволини кўриб: "...Эсиз, бу ерда ҳам обрўсига яраша қўним тополмабди-я", - деб ўйлайман.

Онам бир куни:

- Ҳадича момонг фарзандлари билан келишолмасдан уришиб-аразлашиб юрмасин, барибир болаларининг асл қиёфасини сир тутган экан. Нима қилгандаям жон-жигари-да, бечора ориятни, оиласининг обрўсини ўйлаб жанжалларни яширишга ҳаракат қилган,-деганди.

Аслида момонинг фарзандлари у тириклигида ҳам бемеҳр бўлишган экан. Ҳадича момо эл орасида юргани учун бу ҳолни яширишга уринган. Сира иложини топа олмай қолганда эса, ноилож бизникига чиқар экан. Агар қабрини ўт-ўлан босиб ётмаганида, бундай фикр хаёлимга келмасди. Момом тириклигида ҳам ҳозир қаровсиз бўлиб ётган қабридек хор, меҳрга интиқ бўлган, экан, дейману юрак-бағрим эзилиб кетади...

Гулсара УБАЙДУЛЛА ҚИЗИ

ЮРАК ЙИҒЛАГАНДА...

(Давоми. Боши 12-бетда)

- Шундай қилиб қизим Бахтинисо умрининг айни қийғос гуллаган пайти— 34 ёшда, 15 га кирмаган қизи ва 12 ёшли ўғлини биз шўрликларга ташлаб, юрагимизни фарзанд доғида доғлаб, куйдириб кетди.

Қизимнинг ўлимидан сўнг чолим уч ойча касал ётди-ю, ёруғ дунёни тарк этди. Мен шўр пешона эса бир оёғим ишламай тўшакка михланиб қолдим.

- Аяжон, куёвингиз қаерда, қарашса бўлмайдими? - деб сўрадим мен.

Ая юзини аччиқ бир нарса егандай бужмайтириб ютинди-ю:

- Асти сўраманг, уни даволагани узоқ жойга олиб кетишди. Ҳа, қурғур, номи ҳам эсимдан чиқибди. Яхшиямки, қудаларим бор экан,-деди кўнгли тўлиб. - Невараларимни олиб кетишди. Мен эса уйимда ёлғиз, ўз дарду ғамим, доғу ҳасратим билан қолдим. Қўшниларим хабар олиб туришди, раҳмат уларга. Ноилож қолганимдан сўнг маҳалла-кўй мени "Қариялар уйи"га топширишни лозим топди. Бунинг ҳам югур-югурлари кўп экан. Ҳайриятки, жияним Толибжон бор экан, ҳамма ҳужжатларни тўғрилаб, ўғилларининг машинасида олиб келиб ташлаб кетишди. Ўзи ҳам менга жуда меҳрибон, ҳар ойнинг бошида келиб "аммажон, қалайсиз?", деб хабар олади. Бир куни паймонам тўлса, албатта олиб бориб жойимга қўяди, ҳамма маросимларни ўтказади. Буни менга ҳар келганда айтади. Кўнглим тўқ, шунга ҳам Оллоҳга минг бор шукроналар қиламан. Мана, ёнимда ётган шўрлик шеригимнинг ўғли ташлаб кетганига уч йилдан ошибди-ю, бирор марта ҳам хабар олмайди.

Айтайми-айтмайми, деб иккиланиб охири сўрадим: "ахир хола, холажон, деб келадиган қиз жиянларингиз ҳам бор эди-ку? Улар билишмайдими қаердалигингизни?" Шунда Қумрихон ая:

- Улар ҳам энди ёшмас, бири қиз чиқариб, ўғил уйласа қолганлари невара тўйлари билан ўралашиб қолган-да, мендан бошқа ташвишлари ҳам кўп. Э қизим, ўзингиздан қолар гап йўқ. Бировдан хафа бўладиган замон эмас, - деди. - Оллоҳга шукр, давлатимиз бизга шундай "уй"ларни қуриб берган экан. Бир-биридан хушмуомала дўхтирларни айтмайсизми? Лекин бир кам дунё, дегани шумикин, негадир фақат онажонимнинг "умримнинг чироғи ўчса- ўчсин, уйимнинг чироғи ўчмасин", деган гапларини эслайман-у, юракларим чилпарчин бўлиб эзиламан. Баъзида қоп-қоронғу уйимда онажонимнинг арвоҳлари чирқиллаб "қизим, қандасан?" деб ахтараётгандек бўлади. Баъзида эмаклаб бўлса ҳам ўз уйимга, қадрдон гўшамга етиб олиб, бир дамгина роҳатланиб ётгим, ўша ўтмиш бўлиб қолган бахтли-саодатли кунларни бир-ма-бир эслагим, ёшлигим билан учрашгим келади. Ахир бир ўйлаб кўринг, мабодо оғриб касалхонага тушиб қолсангиз, бир ҳафта бўлмасдан "жавоб беринг" га тушасиз. Биз-чи, биз шўринг қурғурларнинг бу ерда қанча ётишимизу қачон кетишимизни ёлғиз Оллоҳнинг ўзи билади.

Ая ҳаёт ҳикоясини тугатди-ю, ўзини енгил ҳис қиладими, билмадим, айбдор одамлардек менга бир қаради ва: "Қизим, сизни ҳам ўзимнинг дарду-ҳасратларим билан қийнаб қўйдим», - деб бошини эгиб олди.

Ая билан хайрлашиб чиқар эканман: «Нега дийдамиз бунчалик қаттиқ бўлиб, тошга айланди? "Саҳоват" ва " Меҳрибонлик" уйларининг бўлиши бизнинг "хайр-саҳоват" сингари муқаддас туйғудан йироқлашганимиздан эмасми? Нега юраклар йиғисини кўрмаймиз, эшитмаймиз, нега?"- деган саволлар қалбимни кемирарди. Қалбим нидоларини қуйидаги сатрларда ифодалагим келди:

Юрак йиғлаганда йиғлар еру кўк,
Юрак йиғлаганда, йиғлайди алам.
Сен нечун хотиржам, нечун кўнглинг тўқ,
Юрак йиғисини эшитмас одам?

Раъно ХИММАТҚУЛОВА,
Фарғона Политехника институти катта ўқитувчиси.

ЗУРИЁД

Қоқ ярим кечада Боймат аканинг дарвозаси тақиллади. Очса, чайқалганча Хушвақтбек турибди. Оғзидан ароқ гупуряпти. Хушвақтбек, Боймат аканинг бўйнига осилди:

- Дадажонимдан айрилиб қолдик.

Боймат ака "ҳм" деб қўйди.

- Охири бандаликни бажо келтирибди-да. Мана, дадангнинг бошига ҳам етдинг, - койий кетди Боймат ака қўшнисининг ўғлининг ҳозирги аҳволини кўриб. - Оғир касаллигини билардинг. Ичиб юришингга бало бормиди? Сенинг дастингдан қуйиб тамом бўлди даданг.

- Дадажоним...

- Ярим кечада хўнграшни бас қил. Қариндошуруғга хабар бердингми?

- Йўқ,- ҳиқиллади Хушвақтбек.

- Маҳаллага-чи?

- Йўқ.

- Гўрковга тайинлаш керак эди. Ахир майит кутиб турмайди.

- Сиз дадамнинг қадрдони эдингиз. Фақат сизни орқа қилиб келдим.

Боймат ака Хушвақтбекни бир сўкмоқчи эди-ю,. аммо ўлганнинг устига тепган бўлмасин, дея шайтонга ҳай берди. Унга керакли гапларни тайинлади-да, ўзи гўрковнинг уйи томон йўл олди. Йўлда кетар экан, Боймирза қўшнисини эслади.

Хушвақтбек ёлғиз ўғил эди. Талтайиб ўсди. Армиягача оз-оздан ичадиган эди. Хизматдан қайтгач, ёмон ружу қўйди ароққа. Бир-икки марта отага қўл ҳам кўтарди. Қандайдир оғайнисининг машинасини ичиб олиб, ағдариб юборди. Ота шикастланган машинанинг пулини тўлади. Хушвақтбекни бир эмас, уч марта уйлантирди. Учинчи келини ҳам уйдан кетиб қолганда Боймирза ака эл олдида бош кўтаролмай қолди. Бу ҳам каддини ёмон букди. Ўғлининг дилозорлигию хурмача қилиқларига юраги дош беролмади. Касал бўлиб қолди. Бир йил шу ҳасратда ётди. Мана, ниҳоят...

Марҳумни сўнгги йўлга кузатишди. Эл-юрт Боймирза аканинг тобутини қўлма-қўл, елкама-елка қилиб қабристонга элтишди. Боймат ака бир нарсага эътибор берди. Кеча кечқурун мастликда хўнграб йиғлаётган Хушвақтбекнинг кўзидан томчи ёш ҳам думаламасди.

Мозордан қайтишаётганда Боймат ака ўзидан олдинда кетаётган Хушвақтбекнинг бир ўртоғи билан суҳбатини бехос эшитиб қолди.

Хушвақтбек футбол ҳақида гапириб борарди...

Гулшода ҚУРБОНОВА

12-13-саҳифалар Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди гранти доирасида «Оналик ва болалик муаммолари, хотин-қизларнинг давлат ва мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрнини ошириш, оиладаги ўзаро муносабатлар" лойиҳаси бўйича тайёрланди.

ХОНАКИ ГУЛЛАР

(Давоми. Боши ўтган сонда)

ГУЛЛАР АТРОФИДАГИ МУҲИТ

Хонаки гуллар ўстиришни ёқтирадиган кишилар йил бўйи уларнинг яшнаб туришини, гуллашини истасалар тўғри парваришлаш қоидаларини билишлари керак. Бунинг учун биринчи навбатда гуллар ўсадиган жойдаги ҳарорат, ёруғликни йил бўйи назорат қилиб туриш керак бўлади.

Шуни унутмаслик керакки, хонаки гуллар қишин-ёзин ҳарорат ва ёруғлик меъёрида бўлишини талаб қилишади. Шунинг учун гул танлаётганда уларнинг хоналардаги ҳарорат ва ёруғликка мос келадиганидан сайлаб олиш зарур.

Ўсимликларнинг барқ уриб ўсиши учун ёруғликнинг аҳамияти жуда катта. Яъни, ёруғ куннинг ёки аксинча қоронғи туннинг узунлиги ҳам уларга ўзига хос таъсир қилади. Баъзи хонаки гуллар узун, ёруғ кунларда гуллайдилар. Каланхоэ, бегония ва азалия каби гуллар эса қишнинг қисқа кунларида гуллай бошлайди.

ТАБИИЙ ЁРУҒЛИК

Боғ ёки гулзорларда табиий шароитларда ўсадиган гулларга йилнинг иссиқ фаслида ёруғлик ва ҳарорат миқдори етарлича бўлгани учун улар ҳамиша барқ уриб гуллайдилар. Хоналарга жойлаштирилган гулларга эса қўш нури ва ёруғлик ҳар доим камлик қилади. Соя ва кам ёруғлик тушадиган жойлардаги гуллар унча ривожланмай, барглари оқиш тусга кириб қолади. Баргларининг бандлари ингичка ва мўртлашиб салга синиб кетишини кузатиш мумкин.



Ёруғлик етарлича тушадиган жойлардаги гулларнинг бандлари йўғон бўлиб, қийғос гуллаб туради. Бироқ гулларни қуёшнинг тик нурлари остига ҳам қўйиб бўлмайди. Бунда уларнинг барглари куйиб, кейинчалик қуриб қолади. Барглари қалин, гулламайдиган ва чиройли манзара бериб турадиган хонаки гулларни сояроқ жойга қўйса ҳам яхши ўсаверади.

Вақти-вақти билан хоналарга қўйилган гулларнинг қандай ўсаётганлигини назорат қилиб туриш керак. Қўйилган жойида ривожланмасдан, сарғая бошлаган ўсимликларнинг ўрнини ўзгартириб кўриш тавсия этилади.

СУНЪИЙ ЁРУҒЛИКДА...

Уйингизнинг деразалари қуёш тушмайдиган томонга қаратилган бўлса, гулларни лампа ёруғида ҳам ўстириш мумкин. Бунинг учун оддий лампочкалардан эмас, балки симоб лампочкалар (ртутная лампа) танлашингизга тўғри келади..

КИМЁВИЙ АРАЛАШМАЛАР

Сувнинг таркибида ҳаддан ташқари кўп миқдорда тузлар, карбонат кальций ва бошқа қўшилмалар бўлса улар сувни қаттиқлаштиради. Бундай сув билан суғорилганда гултувакларнинг четида, гулларнинг бандида оқ кристаллчалар пайдо бўлади. Бу эса тупроқнинг таркибига ҳам таъсир қилиб, баргларининг ранги ўзгаришига сабаб бўлади.

Крандан оқаётган оддий сувларда хлорнинг кўп бўлиши эса аста-секин баргларнинг сарғайишига олиб келади. Айниқса, хлорли сув билан мунтазам суғориш хонада ўстириладиган барча гулларга катта зарар келтиради. Шунинг учун сувни авало бирорта каттароқ идишга олиб қўйиб тиндириб, кейин гулларни суғориш тавсия этилади.

ҲАРОРАТ

Хонаки гуллар ўсадиган жойдаги ҳарорат уларнинг ривожланишига таъсир этадиган асосий омиллардан биридир. Ҳаддан ташқари паст ҳароратда деярли барча ўсимликлар ўсиши секинлашади. Лекин ҳарорат баланд, яъни 30° дан ошганда ҳам тропик гуллардан бошқа ҳамма гулларнинг ўсиши тўхтайди.

Гуллар табиий шароит, яъни йилнинг иссиқ ва совуқ фаслини ҳам чидам билан ўтказадилар. Аммо ҳарорат бирданига иссиқ ёки совуқ бўлиб кетишидан гулларнинг илдизлари қаттиқ зарарланади. Шунинг учун хона ҳарорати бирдек сақланишини таъминлаш керак бўлади..

СУВ-ГУЛЛАРНИНГ ҲАЁТИ

Ҳар бир тирик жонзот учун сув ҳаводек зарур. Жумладан, гуллар ҳам тирик мавжудотлардан саналади. Сув улар учун асосий озиқланиш ва кўкариш манбаидир. Эпифит гулларининг илдизлари ташқарида бўлгани учун улар тупроқдан озиқланишмайди. Шунингдек барглари орқали ёки пуркалганда сув ичадиган гуллар ҳам бор. Гулларнинг баргларидаги тўқималари сувни ҳар хил қабул қилади. Гулларни совуқ сув билан суғориш илдизларининг зарарланишига олиб келади. Шунинг учун ҳар бир гулни суғоришдан олдин сувнинг ҳароратини текшириб кўриш керак. Ёзда эса каттароқ идишга олиб тиндириб қўйилган сувдан қуйиш тавсия этилади.



Баъзи хонадон эгалари гулларни яхши кўришади-ю, аммо таътилга ёки хизмат сафарига чиқишган пайтларида қайтиб келгунларича гуллари қуриб қолади. Бунинг олдини олиш учун қуйидаги усулларни қўллаш кифоя.

● Таътилга ёки хизмат сафарига кетаётганлар гулларни полга қўйиб, стул ёки баландроқ жойга бир челак сув қўядилар. Челакдаги сувнинг ичига эса сал ингичкароқ тизимча солиниб, унинг бир учи гулларнинг илдизига яқин тупроққа суқиб қўйилади. Яхши нам бўлиб, сувга бўккан тизимчадан гул илдизига етарли намлик бориб туради.

● Яна бир усули мана бундай: кенгроқ яшик олиниб ичига керамзит ёки майда тошчалар солингач устига мўл қилиб сув қуйилади. Ундан сўнг гул экилган тувакларни териб қўйилади. Гулларнинг илдизи эса шу тошчалар орқали сув ичиб, қуриб қолмайди.

НАМЛИК

Ўсимликларнинг ўсиш жараёнида ҳавонинг ҳам роли катта. Намлик билан ҳарорат ўртасида боғлиқлик бўлганидек, намлик етарли бўлмаса ҳам гуллар ўсмай қолади. Ҳавонинг намлиги гулларнинг барқ уриб ўсишида катта рол ўйнайди. Ёз фаслида гулларда намликка бўлган

талаб ортгани учун эрталаб ва кечқурун баргларига сув пуркаб туриш керак. Гуллар очилган пайтда, яъни кундузи бу ишни бажариш мумкин эмас.

ГУЛТУВАКЛАР

Ҳар бир гулнинг тувакдаги тупроққа ўзига хос талаби бўлади. Пластик туваклар остидан кўпроқ тешик очилиб, тупроғи ҳам сал енгилроқ бўлгани маъқул. Бу тувакларнинг тупроқдаги намликни ўзига тез тортиб олгани учун тез-тез суғорилади. Шу боис гул ўстириш

учун кўпроқ сопол тувалар мос келади. Сопол тувакларнинг тупроққа озроқ дарё қуми қўшилади.

Тувакларнинг ўлчами ва нимадан ясалганлигига қараб, унга экилган гуллар суғорилади.

Гултувакларнинг остига сув йиғиладиган махсус ликобчалар қўйилмаса, оқкан сув дераза токчаси, мебелларга сизиб тушиши мумкин. Баъзи гултувакларнинг ликобчалари тувакка қўшиб ясалган бўлади. Хонаки гуллар учун оддий ликобчалардан фойдаланиш ҳам мумкин.

ҚУЁШНИ ЁҚТИРИШМАЙДИ...

Сопол гултувалар - тупроқ ва гул илдизини ташқаридаги совуқ ҳароратва ортиқча иссиқликдан сақлаб туради. Пластик тувакларда эса бундай хусусият йўқ. Шунинг учун, имкон бўлса, қорамтир сополдан ясалган гултувалар танлаган маъқул.

Шуни унутмангки, ҳар бир гулни янги гултувакка экишдан олдин уларни қатронлаш (дезинфекция) қилиш керак. Яъни, гултувак устидан чети билан айлантириб қайноқ сув қуйиш керак. Агар улар қатронланмаса гулларнинг илдизини зарарлайдиган хашаротлар пайдо бўлиши мумкин.

ЗАРАРКУНАНДАЛАР, КАСАЛЛИКЛАР...

Хонаки гулларнинг касалланишига ҳашаротлар, замбуруғ касаллиги ва микроблар сабаб бўлади. Баъзи бир ҳашаротларнинг уруғлари ҳатто гулларнинг ғунчалари орасига ҳам жойлашиб олиб, илдизларини кемиради. Уларнинг тарқалишига атроф муҳитдаги шароит ҳам сабаб бўлади. Айниқса, илиқ ва нам ҳароратда зарарли ҳашаротлар тез кўпаяди.

Ўзингиз ва уй

Рўзғорингиз учун

Агар ўстирилаётган гулларнинг бир нечтаси бирданига касалланса, уларнинг баргини спиртга ботириб олинган пахта билан артиш фойда беради. Уларнинг зарарланган



қисмини эса бутунлай кесиб олиб ташлаш керак. Чунки уларнинг банди орасида зараркунандаларнинг тухумлари қолиб кетган бўлиши ҳам мумкин.

Кимёвий ишлов билан ҳашаротларни йўқотиш учун энг қулай пайт эрталаб ва кечқурундир. Уларни албатта тоза ва шамолсиз ҳавога олиб чиқиб кимёвий ишлов бериш зарур. Бу пайтда гулларнинг барги нам бўлмаслигига ҳам эътибор қаратилади.

ДИҚҚАТ!

Бозордан ёки дўкондан гул сотиб олмоқчи бўлсангиз диққат билан барг ва бандларини текширинг. Уларда доғ ёки ўзгарган жойлари бўлмасин. Бундан ташқари гулни олиб келишингиз билан дарҳол унинг тувагини ўзгартириб, доимий турадиган жойига қўйиб, ҳарорати, намлиги ва ўсишини кузатиб туринг.

МУҲИТ ТАЪСИРИДАН КАСАЛЛАНИШ...

Хонаки гуллар, умуман барча гуллар нафақат зарарли ҳашаротлардан зарарланадилар. Уларга атроф-муҳитдаги ўзгаришларнинг ҳам таъсири катта бўлади. Кам ёки ҳаддан ташқари кўп суғорилгандан, ҳавонинг ортиқча намлигидан ва бошқа тувакларга экилганидан ҳам қуриб қоладилар.

Кейинги пайтларда эса гулларнинг фақат ҳаво таъсиридан ҳам касалланишлари аниқланмоқда.

ИССИҚ ВА СОВУҚДАН...

Ҳароратнинг ошиб кетишидан ўсимликларнинг ўсиши секинлашади. Барглари тўкилиб, очилаётган гуллари бужмайиб қолади. Тупроқдаги намлик гулларнинг турли касалликларига қарши курашишига ёрдам беради. Ҳавода намлик кам бўлса баргларининг учлари қурий бошлайди. Тупроқдаги ўғит камайиб ёки кўпайиб кетиши ҳам гулларнинг ўсишига салбий таъсир қилади.

(Давоми бор)

ДИЛБАР ва ҲАМИДА тайёрлашди.

ВАРИКОЗНИНГ ДАВОСИ

Ёш ўтган сари кўпчиликда **варикоз, яъни вена қон томирларининг кенгайиши** касаллиги пайдо бўлади. Оқибатда оёқларнинг, бўғимларнинг оғриши, томир тортишиб қолиши безовта қила бошлайди. Бу ҳол аксарият баҳор ва куз фаслларида кузатилишини ўз бошимдан ўтказганман. Шу боис варикозни даволашнинг ўзим билган усулини газетхонлар билан бахам кўришга қарор қилдим. Зора, бошқаларга ҳам нафи тегса.

Кечқурун оёғимнинг бармоқларидан чов(қорин билан сон ораси)гача асал чаплаб чиқаман (асални юпқа қилиб суртиш эмас, айнан чаплаш керак). Устидан зиғир толасидан тўқилган мато ўраб, бинт билан боғлаб қўяман. Муолажанинг биринчи куни боғламани 2 соат, кейинги кун эса 4 соат ушлаб туриш тавсия этилади. Учинчи куни тун бўйи қолдириш керак. Муолажадан сўнг оёқларни илиқ сувда ювиш зарур. Уч кун ичидаёқ оёқларингиз енгиллашганини, оғриқ пасайганини ҳис қиласиз.

Товон ёрилганда, қадоқ бўлганда ва тизза оғриса, қирғичдан ўтказилган картошка билан ерқалампир(хрен) аралашмасидан компресс қилиш керак. Бунинг учун тенг миқдорда олинган картошка ва ерқалампирни дард безовта қилаётган жойга қалин қилиб суртиб, мато билан боғлаб, устидан селофан ўраб қўйиш зарур. Компрессни товон ва қадоқда тун бўйи қолдирса ҳам зарар қилмайди. Аммо тиззада 2 соатдан ортиқ ушлаб турмаслик керак. Йўқса, ерқалампир терини куйдириши мумкин.

Тизза оғриганда керосинли компресс ҳам яхши ёрдам беради. Бунинг учун мато бўлагини керосинга ботириб, тиззага бойланади. Устидан сочиқ ва селофан ўралади. Қиздира бошлаши билан соатга қарайман ва 30 дақиқа, кўпи билан эса 2 соатдан сўнг компрессни ечиб оламан ва тиззага ўсимлик ёғи суртиб, уйқуга ётаман.

Тамара СУЛАЙМОНОВА,
Тошкент вилояти.

ТОШ ТУШИБ КЕТДИ

Ўт қопимда тош пайдо бўлиб менга анча вақт азоб бериб юрди. Дори-дармонлар билан ҳам, халқ табобати усулида ҳам даволаниб кўрдим. Мен қўллаган усуллар ичида биттаси жуда яхши самара берди. Қирғичнинг майда тишидан қора турпни ўтказиб, бир стакан шарбатини сиқиб олдим. Шарбатга 1 чой қошиқ тоза асал қўшиб, тун бўйи хона ҳароратида тиндириб қўйдим. Мана шу аралашмадан кунига 3 маҳал овқатланишдан 30 дақиқа олдин 1 ош қошиқдан ичиб турдим. Муолажанинг 7-10 кунига бориб сийдик билан қум чиқа бошлади. УЗИда текширтиргандим, тош йўқ бўлиб кетганини айтишди.

Лолахон ҚОРАҚУЛОВА,
Жиззах вилояти.

ЧИПҚОНГА ҚАРШИ...

Ўтган асрнинг 70-йиллари бошида кутилмаганда бўйнимдан **чипқоннинг бир тури бўлган кўк яра (карбинкул)** чиқди. Уни жарроҳлик йўли



билан кесиб ташлаб, мени даволашди. Аммо орадан анча вақт ўтиб, чипқон бутун танамни босиб кетди. У майда бўлса-да, санаб адоғига етиб бўлмасди. Мени яна пенициллин, турли уколлар, суртма дорилар билан даволашди, қон алмаштиришди. Аммо самараси оз муддатли бўларди холос. 1972 йил бир журналда (ҳозир номи ёдимда йўқ) чипқон тери касаллиги эмас, балки қон касаллиги эканлиги ва у қонда баъзи бир ферментларнинг етишмаслигидан келиб чиқиши ҳақидаги мақолани ўқиб қолдим. Ана шу ферментлар оддийгина **пиёзда кўп бўлар экан.** Яъни инсон вақти-вақти билан пиёзни хомлигича еб туриши тавсия этиларкан. Мен ҳам кунига бир бош пиёзни ҳеч нарсага аралаштирмай ейишни одат қилдим. 3-4 кун ичидаёқ ижобий ўзгариш сезилди. Яна бир неча кун ўтиб эса дарддан бутунлай фориғ бўлдим. Шундан бери пиёз еб туришни канда қилмайман.

Воҳид ХИММАТОВ,
Кўшработ тумани.

АСТМА ХУРУЖ ҚИЛГАНДА

Мана 10 йилга яқинлашиб қолдики, **астмадан азият чекаман.** Бу дардни даволашда бир неча йилдан бери хўжағат(малина)нинг илдизидан фойдаланиб келаман.

Олдинига юрак, қон-томир тизимини тозалаб олиш учун **уч ой мобайнида** қуйидаги дамламани ичдим: игнабаргли дарахт игналаридан 2 ош қошиқ, худди шунча наъматак меваси, бир чимдим пиёз пўсти олиб, устига 1 литр қайноқ сув қуйиб, яна 15 дақиқа қайнатиб қўясиз. Туни билан дам еган қайнатмани сузиб олиб, кун давомида бўлиб-бўлиб ичасиз.

Сентябр ойи охирлари-октябр ойида хўжағат баргларини тўкади. Шу маҳал унинг томирларидан қиш учун ғамлаб

олиш керак. Хўжағат томирини ювиб тозалаб, майдалаб тўғрайсиз. Ундан бир ҳовуч олиб, устига 1 литр қайноқ сув соласиз ва ярим соат паст оловда милтиллатиб қайнатасиз. Туни билан дам егач, эрталаб сузиб олиб, устига яна озроқ қайноқ сув қўшасиз (қайнатилганда буғланиб кетган сув ўрнини тўлдириб, 1 литр ҳажмига келтирасиз). Кун давомида чой ўрнига ичиб туриш тавсия этилади.

Мен **4 ой давомида кунига 1 литрдан** ичиб турдим. Бу йил яна муолажани такрорлашни мўлжаллаб турибман.

Анвар КАМОЛОВ,
Андижон вилояти.

ПИЁЗ СОЧ ЎСТИРАДИ

Ўғлим уч ёшга тўлганида **сочи тўкила бошлади.** Хавотирланиб шифокорга учрашдим. Керакли анализларни топширсак, ҳаммаси яхши чиқди. Хуноб бўлиб юрганимда шу ердаги бемор аёллардан бири ўзи биладиган муолажа усулини ёзиб берди. У оддий, аммо кишидан чидам талаб қилади.

Сочни устара билан қириб оласиз. **5-6 дона пиёзни** қирғичнинг майда тишидан ўтказиб, бошга қўясиз. Пиёзнинг сувини ёки озроқ қисмини суртиш эмас, айнан ҳаммасини қалин қилиб чаплаб чиқиш керак. Устидан селофан кийдириб, пахталик рўмол билан боғлайсиз. Шу ҳолатда эрталабгача тураги. То қоп-қора соч илдизлари ўсиб чиқмагунча ҳар куни бошни устарада қириб пиёз боғлашни канда қилмайсиз. Иложи борича пиёз янги ҳосилдан бўлиши зарур.

Бир ой шу муолажани қўллаб ўғлимни даволадим. Ҳозир у 12 ёшда. Сочининг қалинлигига кўпчиликнинг ҳаваси келади.

Турсуной ЗОКИРЖОНОВА,
Термиз шаҳри.

ҲУСНБУЗАР ТОШГАНДА...

Кўпчилик ўсмир ўғил-қизлар юзларига тошган ҳуснбузарни қандай йўқотишни билмай қийналадилар. Ваҳоланки, бунинг даваси жуда оддий. Кир совунни яхшилаб кўпиртириб, унга бир чимдим туз қўшилади. Сўнг юзга суртиб, 10-15 дақиқа ушлаб турилади. Совун қуригач, юзни аввал илиқ, кейин совуқ сувда ювиб ташлайсиз. Лекин артмаслик керак, яхшиси, сув юзга сингсин. Ҳар куни уйқуга ётишдан олдин шу муолажа бажариб борилса, тезда ҳуснбузардан асар ҳам қолмайди. Мабодо у яна тошгудек бўлса, муолажани такрорлаш керак.

К. ВАФОЕВ,
Ургенч шаҳри.

ТОВОН ЁРИЛГАНДА...

Мен **товон ёрилганда ҳамда оёқ ва қўл бармоқлари, чот ораси қичишганда** қўлланиладиган иккита усулни баён этмоқчиман.

Товуқ ёғини эритиб, музлаткичда сақлайсиз. Ҳар куни уйқуга ётишдан олдин товоннинг ёрилган жойларига суртиб, сал сингигач уйқуга ётасиз. Устидан боғлаш ёки пайпоқ кийиш тавсия этилмайди. Муолажани товонингиз тўлиқ тузалиб кетгунича давом эттирасиз. Товон ёрилишининг олдини олиш учун эса товуқ ёғидан вақти-вақти билан суртиб туриш мумкин.

Оёқ ва қўл бармоқлари, чот ораси қичишганда мунтазам равишда хўжалик совунида ювиниш, ички кийимларни ҳам фақат кир совунда ювиш керак. Тез орада дардни кўрмагандек бўлиб кетасиз.

Гулчеҳра БОБОДЎСТОВА,
Термиз шаҳри.

БОҒЛАМА ҚУРИБ ҚОЛМАСИН

Яқинда неварамнинг **оёғига қайноқ сув тўкилиб кетди-ю,** 20 йил олдинги воқеа эсимга тушди. Ўшанда эндигина 9 ойлик бўлган қизимнинг оёғи худди шундай куйиб қолганди. Қишлоқ тиббий пунктида куйган жойни қандайдир дорилар билан ювиб, тозалаб, бинт боғлаб қўйишди. Эртаси куни эса бинт терига ёпишиб қолгани боис уни ечиб олгунча роса қийналдик. Болалар шифохонасига борсак, эндигина институтни битириб келган бўлса керак, ёшгина шифокор йигит бизни қабул қилди. У куйган жойни бинт билан боғлаб, устидан **фурацилин эритмаси** қуйиб туришни, боғлама қуриб қолмаслиги зарурлигини тайинлади. Энг муҳими боғламани ҳар куни эмас, уч кунда бир марта алмаштирса кифоя экан. Олдинига ёш, тажрибасиз шифокорнинг бу маслаҳатига ишонмагандай ҳам бўлдим. Аммо биринчи кунданоқ қизим ўзини анча яхши ҳис қилиб, оғриқдан йиғламай қўйганини кўриб, рости қувондим. Тез орада куйган жой асоратсиз битиб кетди.

Неварамнинг куйган оёғини даволашда ҳам шу муолажа қўл келди. Фақат ўша пайти уйда фурацилин бўлмагани боис боғламага марганцовканинг нимпушти эритмасидан қуйиб турдик. Икки-уч кундаёқ неварам бемалол велосипедини ҳайдаб юрадиган бўлди.

Марҳабо ҲАКИМОВА,
Қашқадарё вилояти.

ҚИЗДИРИЛГАН ШАКАРНИНГ ФОЙДАСИ

2003 йил қишда **қаттиқ шамоллаб қолдим.** Олдинига томоғим ачишиб оғриб турди, сўнг йўтала бошладим. Шифокорлар **бронхит** деб ташҳис қўйишди. Бир танишим менга ароққа қиздирилган шакар қўшиб ичишни маслаҳат берди. Бунинг учун уйқуга ётишдан олдин 100 грамм ароққа 1 ош қошиқ қиздирилган (қизартириб қовурилган) шакар аралаштириб, бир кўтаришда ичиб юбориш керак экан. Биринчи куни аралашмани ичиб тўшакка ётганимдан сўнг аввалига шифт, сўнг бутун уй гир-гир айланаётгандек бўлди. Кейин ухлаб қолибман. Эрталаб уйғонсам, бошим ҳам, томоғим ҳам оғримаяпти. Яна икки кун шу муолажани қайтаргач, соғайиб кетдим. Мана уч йилдирки, бронхитдан асар ҳам йўқ.

М. ҚЎЛДОШЕВ,
Гулистон шаҳри.

ОДДИЙ, АММО САМАРАЛИ

Мен фольклор жамоасига қатнашаман. Баъзида кўп репетиция қилганимиздан **томоқ бўғилиб қолади.** Шунда бир стакан пивони қайнатиб, худди сутга ўхшатиб хўплаб-хўплаб ичаман ва ўраниб ётаман. Уч марта муолажа олгач, овоз очилади. Бу муолажа **ларингит, фарингит, тонзиллит**да ҳам яхши самара беради.

Менда ҳар хил ҳидларга аллергия борлиги боис дезодорантларни ишлата олмайман. **Тер ҳидини йўқотиш учун** эса оддийгина истеъмол содасидан фойдаланаман. Эрталаб белгача совуқ сувда ювиниб, қуруқлаб артинаман-да, бармоғимни хўллаб истеъмол содасига ботириб, қўлтиқлар тагига суртиб чиқаман. Қарабсизки, тер ҳам, унинг ҳиди ҳам бўлмайди.

Мамадали СОБИТАЛИЕВ,
Фориш тумани.

Дармон ИБРОҲИМОВ тайёрлади.

ОИЛАСИ БОР ИНСОНЛАР...

Ҳаёт шундай мўъжиза, шундай бебаҳо неъматки, инсонга билмаганини ўргатади. Унинг ўтган ҳар они ғанимат, ҳар они сабоқ беради. Бошдан кечирганларим, қизиқиб кузатганларим, яқинларим айтиб берган ҳақиқатлар мана шундай хулосаларга олиб келди.

Ёлғиз, сўққабош кишилар бу ёруғ жаҳонда оиласи бор инсонларга қараганда қисқа умр кўрар эканлар. Оилали эркаклар кам чекадилар, кам ичадилар. Улар жисмоний жиҳатдан ҳам бақувватроқ бўладилар. Уларнинг руҳий ҳолатларида асабийлик, жоҳиллик, ҳовлиқиш кузатилмайди. Бош оғриғидан азобланмайдилар. Энг муҳими шуки, оилалилар ҳар бир ишга тез киришиб, бошқалар билан ҳам ўзаро келиша олишади. Улар семириш, юрак хуружи каби хасталикларга йўлиқмайдилар. Инсонлар жуфт бўлиб яшашса, қийинчиликларни тезда енгиб ўтишади.

Агар ёшингиз анчага бориб, ёлғиз қолган бўлсангиз жуфт излаш айб эмас, аксинча савобдир. Ўз жуфти ҳалолингизни изланглар, топмаган бўлсангиз уни излашдан толманглар. Топган бўлсангиз, уни чин юракдан эъзозлаб бахтли бўлинглар!

Мерган БЎМАТОВ,
Самарқанд шаҳри.

ЎҒЛИМ ЁЛҒИЗ ҚОЛМАСА...

24 Бу дунёда ҳар бандани нинг фарзанди соғ бўлиб, кексайганда суянчиғи бўлсин экан. 23 ёшли ўғлим қутилмаганда дардга чалиниб, уч йил давомида дўхтирма-дўхтир олиб юрдим. Қаратмаган жойим қолмади. Ҳозир оёғини қўлтиқтаёқда судраб босади. На, чора! Бирни кўриб фикр, бирни кўриб шукр қиламан. Боламнинг дардига дармон топа олмай куя-куя тахририятга мактуб ёздим. Чуқур мулоҳаза билан иш тутадиган, ўғлимга дардкаш бўла оладиган бир аёл бордир, деб ўйладим. Шундай бир қиз бўлса, ҳурматини жойига қўйган бўлардик.

Манзил тахририятда.
Назаркул ота,
Сирдарё вилояти

25 **Қайним 40 ёшда.** Намозхон, уйларни таъмирлайдиган уста. Қайнотам билан Бўка шаҳрида яшайди. Аёлсиз, ҳувиллаган ҳовлидаги икки эркакка яшаш осон эмас.

35 ёшгача бўлган (битта фарзанди бўлса ҳам майли) аёл бўлса, уйлантириб қўярдик.

Манзилимиз тахририятда.
Зоҳир

26 **Ёшим 58 да.** Тошкент шаҳрида уй-жойим бор. Ёлғиз фарзандим вафот этгач, бир ўзим қолдим. Келиним бор, лекин у алоҳида яшайди. Фарзандларидан қутулган. ёлғиз, тушунган, одоб-ахлоқли, диёнатли бир эркак бўлса, турмуш қурмоқчиман.

Манзилим тахририятда.
Руқия

27 **35 ёшдаман,** касбим ҳамшира. Тақдир тақозоси билан турмушим бузилди. Ҳаётимни яна тиклаш учун оила қурмоқчиман. 45 ёшгача бўлган, уй-жойли, олий маълумотли, (бир фарзанди бўлса ҳам майли) бир эркак бўлса, кўнгирофини кутаман.

Манзилим тахририятда.
Гулзор

28 Замонавий, ўқишни рус тилида битирган **23 ёшли** набирам бор. Унга кўп жойдан совчилар келса-да, муносиби учрамаяпти. Олий маълумотли, одобли, меҳрибон, ичмайдиган, чекмайдиган, тошкентлик бир йигит бўлса овоз берсин.

Манзил тахририятда.
Муҳайё буви.

29 Умид билан қурган оилам бузилди. Ҳозир икки қизим билан яшайман. **Ёшим 45 да.** Ичмайдиган, чекмайдиган, уй-жойи бўлган, (фарзандлари бўлса ҳам майли) аёлни ҳурмат қиладиган эркак билан танишмоқчиман.

Манзилим тахририятда.
Лолахон

30 **23 ёшли** дугонам бор. Касби ҳамшира. Онасининг ёлғиз қолишини ўйлаб, келган совчиларга рад жавобини берди. Унинг қадрига етадиган самарқандлик ёки тошкентлик йигит бўлса, танишиб турмуш қурган бўларди.

Манзил тахририятда.
Сожида

31 Асли бухороликмиз. Олий маълумотли, хушсурат муаллима қизим бор. **26 ёшда.** Ўзимиз баобрў хонадонмиз. Келган совчиларни ҳали ўқиши керак, деб қайтараверганимдан энди афсусдаман. Келгусида яшаши учун 2 хонали уй ҳам олиб қўйганман. Қизимнинг бахтли бўлишини жуда истайман. Олий маълумотли, келишган, замонавий, аёлни қадрлайдиган йигитлар бўлса, (турмушдан ажрашган бўлса ҳам майли) қариндошлик риштасини боғласак дейман.

Манзил тахририятда.
Муҳаббат опа

Басира тайёрлади.

О, муҳаббат...

МАНГУ ҚАЛБИМДА У...

(Боши ўтган сонда)

Мактаб ҳеч қачон мени ўз бағрига шу кунлардагидек иштиёқманд қилмаган эди. Эрталабки линейкада унинг нигоҳлари мени интиқлик билан ахтараётганини кўриб қолдим. Якка ўзим ўз кечинмаларимнинг дам ёқимли, дам хавотирли лаҳзаларига чўмиб бир чеккада турардим. О, кечинмаларим! Нақадар гўзалсиз, нақадар бешафқат!...

Шу куни билдим-ки, у ҳам 8-синфда ўқир экан. Шу бўлдию, танаффусга қўнғироқ чалинди, дегунча ташқарига отилганлар бўлиб қолдик. Ҳа, танаффус бизга кўзлар, нигоҳлар орқали сўрашиш, саломлашиш дамларини ҳадя этар эди. Афсуски, оловли ҳислар бағишларди...

Шу тахлитда саккизинчи синф ҳам поёнига етди. Биз дала ҳовлимизга кўчиб кетдик. Ёзги таътил кунлари ота-онамга уй ишларида, боғ-роғ юмушларида қарашиб юриб бироз тинчлангандай бўлдим. Тинчланганим боиси «у қиз» қалбимда эди. Қалбимда экан, у меники эди. Гулгун ёноқлари ҳам, тўлқинланиб турувчи қўнғир сочлари ҳам, тепа қовоқларига қайрилган киприклари ва улар паноҳидаги нигорон кўзлари ҳам меники эди. Бир куни тушимда мен, «у қиз» ва онажоним биргаликда дастурхон атрофида ўтириб чой ичар эмишмиз. Бу пайтларда ҳамма ўспиринлар

орадан бир неча кун ўтди, деганда «у қиз» менга кўринмасликка ҳаракат қиладиган бўлиб қолди. Сабабини била олмай гаранг бўлдим. Нега «у қиз» юрак-бағримга ўт солиб энди ўзини мендан олиб қочиши боисини биролмасдим. Менда: «Балки менга шундай кўринган-дир, уни нотўғри тушуниб, алданиб чалғиб қолгандирман», деган ҳаёл туғилди. Кунлар кетидан кунлар ўтаверди. Ич-этимни еб, ўз ёғимга ўзим қовурилиб юрдим. Шу орада унинг исми Муяссар, отаси «катта одам» эканини, қайси кўчада туришини, бизнинг мактабга яқинда келганлигини билиб олдим. Отасининг «катта одам» эканлиги мени ўйлантириб қўйди. Оилавий жиҳатларимдан хабар топган бўлса, ўзига тенг кўрмадимикан, деган ўй миямни кемира бошлади...

Кунларни қувиб кунлар ўтди. Ниҳоят, «у қиз» эҳтиёткорлик билан ўзини яна яқин тута бошлади. Аммо бу яқинлик фусункор кўзларини кўзларимга тикишдан нарига ўтмасди. Шу боқишлари ҳам менга бир олам севинч ва қатори мен ҳам тушга тўғридан-тўғри ишонар эдим. Ўшанда ҳам чиппа-чин ишондим.

Эрталаб кўтаринки руҳда, болаларча севиниб мактабга шошилдим. Залда «у қиз» билан бир-биримиз томон келар эдик. Биз яқинлашиб қолганимизда «у қиз» одимини тезлатди ва синфи эшигини бир силтаб очди. Шунда унинг лоладек кўксига кўзим тушди. Маст бўлиб қолдим. Беҳол дераза токчасига суяниб турдим. Унинг мана шу лоладек кўкси ва мен унинг хожаси эканлигим вужудимни ларзага солган эди. Бас, шундай экан, ўқишим лозим! Қандай ўқиш бўлмасин, ўқисам бўлгани!

9-синф тугади. Фикр-хаёлимда «у қиз»ни ўзим билан бирга яна дала ҳовлимизга олиб кетдим. Бутун ёз бўйи бор жисми билан кўнглим ардоғида, қалбимда яшади у!

Сентябр. Мактаб. Елиб-югураётган, суҳбатлашиб турган ўқувчилар орасидан «ўзимники»ни ахтараман. Топганимда унинг кўзлари ҳам мени қидираётганини, мени дугоналаридан сўраётгандай бўлаётганини кўраман. Кўзлар учрашади, нигоҳлар қаноатланади.

Шу куни мактабнинг узун йўлагида қарама-қарши келиб қолдик. Унинг ҳумор кўзлари ерга қадалиб келарди. Бир-биримизга рўбару келганда биз илк бор саломлашдик! Илк бор! Гарчанд, куз бўлишига қарамай, баҳор гуллари бизни ўраб олиб табриклаётгандек эди!

Энди унга мактуб ёзишга жазм қилдим. Аввалига хатни қандай ёзишни «тажрибали» ўртоқларимдан сўрадим. Аммо уларнинг маслаҳати менга бемаънидек туюлди. Мактубни ўзим, ўз туйғуларим оғушида самимий қилиб ёздим. Эсимда, мактубга Муса Жалилнинг умид тўла шеърларидан мисралар келтирдим. Хатнинг сўнгги қисми «йўқса, дўст бўлиб қоламиз», деган мазмунда эди. Синфдошим Сайёра хатни унга элтиб берди. Чамаси, улар янгигина дўстлашиб қолган, сирдош эдилар. Бир-бирининг ишқ сирларидан воқиф бўлган дугоналар одатда қаттиқ дўстлашиб кетадилар. Шу бўлди-ю, Сайёра орамизда хат ташувчи – почтальон бўлиб қолди...

Мактуб китоб орасига солинган эди. Орадан анча кун ўтди. Жавоб ҳам, китоб ҳам қайтмади. Хат сўзлари кечаю кундуз миямда гужғон шивирлайверди. Шунда бир пайт дафъатан «хатни ўқиб, мендан роса кулган бўлса-я», деган фикр хаёлимга келди-ю, танамни тер босди. Юрагим зириллаб, ўзимни қўярга жой тополмай қолдим. Икки ўртадаги муносабатга ойдинлик киритиш ниятида яна бир хат йўлладим.

Яна жавобсиз қолди. Китобларимни қайтармаётганига ҳайронман. Гаранг ҳолатда хуноби ошиб боради. Китобларимни қуруқ қайтариб юборса-чи! Тамом...! Кунлар кетидан кунлар ўтади. Жавоб ҳамон бўлмайди. Бир пайтлар, у мендан ўзини олиб қочган бўлса, эндиликда мен ўзимни панага оладиган бўлиб қолдим. Эрта билан синфга кириб олганча танаффусда ҳам ташқарига чиқмасдим, дарслар тугаши билан симобдек ғойиб бўлар эдим...

Октябрь ойи бошларида пахта теримига учинчи маротаба чиқиб кетдик.

Ётоқ хонамиз қишлоқ мактаби синфларига жойлашган. Йўлакнинг ўнг томонида қизлар, сўл қанотида эр болалар. Пахтани қунт қилиб тераман. Эрталабки йўқламада илғорлар сафида менинг ҳам номим чиқади. Бундан «у қиз»нинг ҳам хабар топиши мени янада рағбатлантиради.

(Давоми бор)
Азимжон ҚОСИМОВ

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 20.00. Босишга топширилди- 21.00

E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru
oilavajamiyat@mail.ru

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Бош муҳаррир: 134-86-91
Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20
Бош муҳаррир ўринбосари: 134-25-46
Оила, табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: 133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.
«Олой» бозори ёнида.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида **027**-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 1232. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 10894
Саҳифаловчи — **Ш. БАРОҚОВ**
Рассом — **Н. ХОЛМУРОДОВ**
Навбатчи — **Д. ИБРОҲИМОВ**
Мусаҳҳиҳ — **С. САЙДАЛИМОВ**

1 2 3 4 5